**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ**

**ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ТАДҚИҚОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ**

Ўқувчилар саводхонлигини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотлар дастури

# ҚЎЛЛАНМА

**ТОШКЕНТ – 2019**

Мазкур қўлланмада PISA халқаро баҳолаш дастури тўғрисида умумий маълумотлар, халқаро баҳолаш дастурлари асосида ўтказиладиган тест жараёнига қўйиладиган талаблар, тест жараёнини бошқариш ва ҳужжатларни расмийлаштириш қоидалари ёритилган бўлиб, у кенг жамоатчилик – таълим муассасалари раҳбарлари, ўқитувчилар, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари учун мўлжалланган.

***Тузувчилар:*** А.Б.Раджиев, А.А.Исмаилов, Ж.Р.Нарзиев,
Х.П.Ахмедов, Г.О.Тоғаева

Физика-математика фанлари доктори, профессор У.Н.Ташкенбаевнинг
умумий таҳрири остида

***Тақризчилар:*** п.ф.д.,проф. Б.Ходжаев
доц. Б.Ҳайдаров
катта ўқитувчи М.Ширинов
катта ўқитувчи Ш.Низамова
доц. М.Эргашева

***Илмий-методик маслаҳатчилар***: ф.ф.д.,доц. А.Носиров, ф-м.ф.н.,доц. Р.Рустамов, ф-м.ф.н. Ш.Усанов, п.ф.н. Ш.Неъматов, Р.Эргашев

*Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси илмий Кенгашининг 2019 йил 14 мартдаги йиғилиш (1-сонли баённома) қарори асосида нашрга тавсия этилди.*

## МУНДАРИЖА

КИРИШ ......................................................................................................................5

**I БОБ. PISA ТАДҚИҚОТЛАРИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

1.1. Умумий тушунчалар……………………………………..........................7
1.2. PISAни бошқариш ………………………………………………………9
1.3. Тадқиқотни ўтказиш жараёни...........................................................................11
1.4. Тадқиқот натижалари.........................................................................................12

**II БОБ. PISA ТАДҚИҚОТИНИ ЎТКАЗИШ**

2.1.PISA тадқиқотини ўтказиш...............................................................................15
2.2.Таълим муассасасида тадқиқотни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун масъул бўлган таълим муассасаси координаторининг роли.......................................................................................................................15
2.3 .Тест жараёнини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишлар мазмуни ва босқичлари ...........................................................................................................17

**III БОБ. ТЕСТ ЖАРАЁНИ ВА СЎРОВНОМА ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ**

3.1.Тест жараёни ва сўровнома ўтказиш санасини мувофиқлаштириш...............................................................................................20
3.2. Тадқиқотда иштирок этиш учун таълим муассасасининг ўқувчилар рўйхатини тайёрлаш босқичлари.......................................................................22
3.3.Компьютерлар текширувини ўтказиш ва “Компьютер текшируви натижалари” шаклини тайёрлаш.....................................................................24
3.4. Тест жараёнини назорат қилиш.......................................................................24

**IV БОБ.ТЕСТ ЖАРАЁНИНИ ЎТКАЗИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

4.1.Координаторларни тест жараёнини ўтказиш бўйича материаллар билан таништириш ҳамда тест жараёнини ўтказишга тайёрлаш................................25
4.2.Тест материалларини олиш, текшириш ва уларнинг конфиденциал- лигини таъминлаш..........................................................................................................25
4.3.Ўқитувчилар, ўқувчилар ва ота-оналарни тадқиқот ўтказилишидан хабардор қилиш тартиби ................................................................................26
4.4.Тест учун танлаб олинган ўқувчилар рўйхатини текшириш ва тузатишлар киритиш..................................................................................................................28

4.5. Маъмурият учун сўровнома тўлдиришни назорат қилувчи ва маълумотларни киритувчи шахсга “Таълим муассасаси ҳақида маълумот” ва “Маъмурият учун сўровномани тўлдиришга тайёргарлик”шаклларини юбориш тартиби ...................................................................................31
4.6.Тест жараёнини ўтказиш кодлари билан танишиш......................................32
4.7. USB-ташувчилар ва “Ўқувчи ҳақида маълумот” шаклини тайёрлаш.....................................................................................................33
4.8.Тест материалларини сақлаш ва конфиденциаллигини таъминлаш….....…34
4.9. Тест жараёнини ўтказиш режасини тайёрлаш............................................34
4.10.Тест жараёнини ўтказиш вақтида барча босқичларда қатнаша оладиган қўшимча ходимларнинг ишини ташкил этиш..................................................35
4.11.Тест жараёнини ўтказиш учун зарур бўладиган материалларни тайёрлаш.....................................................................................................35
4.12.Тест ўтказувчини тест жараёни ва сўровнома ўтказиш тартиби ҳамда ўқувчиларнинг сўровномалари изоҳлари билан таништириш…………….......36

## V БОБ. ТЕСТ ЖАРАЁНИНИ ЎТКАЗИШ

5.1.Тест ўтказиш учун бино ва материалларни тайёрлаш.................................37
5.2.Тест жараёнини ўтказишнинг муҳим жиҳатларини кўриб чиқиш...............37
5.3.Тест жараёнини ўтказиш (асосий жиҳатлар)................................................41
5.4.Қўшимча тест жараёнини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилиш.........................................................................................................41

## VI БОБ. ТЕСТ ЖАРАЁНИНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ

6.1.Тест материалларини йиғиш..........................................................................44
6.2.Қўшимча тест ўтказиш (зарур ҳолларда)......................................................44
6.3.Таълим муассасаси папкаси ва конвертини тайёрлаш.................................45
6.4.Тадқиқот материалларини жўнатишга тайёргарлик кўриш.........................45
6.5.Тадқиқотнинг барча материалларини ҳудудий координатор ва Миллий менежерга юбориш............................................................................................46

ИЛОВАЛАР........................................................................................................47

ЭСЛАТМА...........................................................................................................61

# КИРИШ

*“Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўйган ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳаларда кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ана шу ислоҳотларнинг муваффақияти, мамлакатимизнинг дунёдаги ривожланган, замонавий давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши аввало илм-фан ва таълим-тарбия соҳасининг ривожи билан, бу борада бизнинг дунё миқёсида рақобатдош бўла олишимиз билан узвий боғлиқ...”*

***Шавкат Мирзиёев***

Мамлакатимиз инновацион тараққиёт йўлида шиддат билан ривожланиб бораётган бир даврда келажагимиз давомчилари бўлган ёшларни ижодий ғоялари ва ижодкорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим, кўникма ва малакаларини давлат таълим стандартлари асосида шакллантириш ҳамда илғор хорижий тажрибалар, халқаро мезон ва талаблар асосида баҳолаш тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” доирасида Ўзбекистонда таълим сифатини баҳолашда янгича мониторинг тизимини халқаро баҳолаш дастурлари ёрдамида аниқлаш ва қиёслашга асосланган тизим шакллантирилмоқда.

Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тажрибаларни ўрганиш, мавжуд тизимни ҳар томонлама қиёсий таҳлил қилиш, тегишли йўналишдаги халқаро ва хорижий ташкилотлар, агентликлар, илмий-тадқиқот муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш, таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро лойиҳаларни амалга ошириш, замон талабларига жавоб берадиган муносиб миллий баҳолаш тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 997-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси қошида “Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш Миллий маркази” ташкил этилди.

Ўз навбатида, “Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази”га таълим тизимида ўқиш, математика ва табиий йўналишидаги фанлардан саводхонлик даражасини

ривожлантиришнинг инновацион методларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишга йўналтирилган илмий изланишлар олиб бориш, таълим сифатини баҳолаш соҳасида халқаро алоқаларни ўрнатиш, халқаро лойиҳаларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш каби вазифалар юклатилди.

Шу билан бир қаторда, Миллий марказ директори – Халқаро тадқиқотларнинг миллий лойиҳа менежери ҳисобланиб, халқаро тадқиқотларни ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштиришда Ўзбекистон Республикасининг вакили сифатида иштирок этиши белгилаб қўйилди.

Мазкур вазифаларнинг амалий ифодаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан Халқаро ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти ўртасида ўқувчилар саводхонлигини баҳолаш бўйича халқаро дастурда (Agreement for participation programme for international student assessment - PISA 2021) иштирок этиш тўғрисидаги келишувга эришилди.

PISA (Programme for International Student Assessment) – ўқувчиларнинг саводхонлигини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқот дастури бўлиб, дастурнинг асосий мақсади 15 ёшли ўқувчи ёшларнинг ўқиш, (матнни тушуниш), математика ва табиий фанлар бўйича саводхонлик даражаларини ҳамда ижодий фикрлаш кўникмаларини турли хил тестлар ёрдамида баҳолашдан иборатдир. Ушбу лойиҳалар ўқувчи ёшларнинг ижодий ва танқидий фикрлаши, эгаллаган билимларини ҳаётда қўллай олиш лаёқатига баҳо бериш ва кейинчалик бу кўникмаларни шакллантиришга хизмат қилади.

Ҳар уч йилда амалга ошириладиган PISA дастури мамлакатларга таълим тизимининг ютуқ ва камчиликлари юзасидан ўз вақтида ахборот бериш, тегишли дастурларнинг таъсирини таҳлил қилиш имкониятини яратиб, таълим сиёсати соҳасида қарорлар қабул қилишни қўллаб-қувватлайди.

Таълим сифатини баҳолашга йўналтирилган PISA каби халқаро тадқиқотлар Ўзбекистон таълим тизимида илк марта ўтказилаётганлиги сабабли уларни тўғри, самарали ва объектив ўтказиш муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур қўлланмани тайёрлашда “PISA-2018 тадқиқотларини ўтказиш бўйича қўлланма” ва бошқа манбалардан фойдаланилган. Қўлланма тадқиқот ҳақида умумий тушунча олиш, тасаввур ҳосил қилиш ва PISA халқаро дастурида иштирок этиш учун кейинчалик танлаб олинадиган таълим муассасаларида тайёргарлик ишларини олиб боришда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

***Эслатма:*** *Ўзбекистонда PISA тадқиқотлари 2021 йилда амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, тадқиқотлардаги техник талаблар ушбу қўлланмада кўрсатилган талаблардан фарқ қилиши мумкин. Тадқиқотни ўтказиш бўйича маълумотлар PISA халқаро ташкилотчиларининг расмий нашрларида эълон қилингандан сўнг мутахассислар эътиборига ҳавола этилади.*

# I БОБ. PISA ТАДҚИҚОТЛАРИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

## 1.1. Умумий тушунчалар

**PISA**–ўқувчиларнинг ўқиш (матнни тушуниш), математика ва табиий фанлардан билим даражаларини баҳолашга қаратилган халқаро баҳолаш дастури бўлиб, ўқувчиларнинг мактаб даврида орттирган билим ва кўникмаларини аниқлашга мўлжалланган.

PISA халқаро баҳолаш дастури шунингдек, ўқувчилар муносабати ва мотивацияси ҳақида қимматли маълумотлар тўплайди, ўқувчиларда муаммони ҳал қила олиш каби кўникмаларни ҳам баҳолайди. Масалан, глобал аҳамиятга эга масалаларни ҳал этишда ўқувчи-ёшларнинг фикр- мулоҳазалари, улар берган таклиф ва ечимларни баҳолайди.

PISA–халқаро баҳолаш дастурларининг натижалари асосида дунё мамлакатлари ўқув дастурларида мавжуд бўлган талаблар доирасида ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларни қўллаш, фикрлаш ва мулоқот қилиш қобилиятларига баҳо берилади.

PISA ҳеч қандай ўқув дастурини белгиламайди ёки тарғиб қилмайди ёки умумий эътироф этишни тақозо этмайди.

Иштирокчи мамлакатлар экспертлари ва иқтисодчиларининг фикрича, ўқувчиларда табиий фанлардан ўзлаштирилган билим ва кўникма даражалари шаклланиши, мустаҳкамланиши давлатларнинг келажакдаги муваффақияти учун муҳим дастлабки қадамлар деб ҳисобланишини эътироф этади.

PISA тадқиқоти - Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти ИҲТТ(OECD – Organisation for Economic Co-operation and Development) томонидан амалга ошириладиган дастур ҳисобланади.

Тадқиқот илк бор 2000 йилда ўтказилган бўлиб, ҳар уч йилда бир маротаба ўтказиб борилади. Навбатдаги тадқиқотлар 2021 йилда ўтказилиши режалаштирилган.

PISA тадқиқоти ўзига хос хусусиятларга эга. Жумладан:

- таълим соҳасидаги энг йирик, кенг кўламли халқаро мониторинг тадқиқотларидан бири саналади;
- тадқиқотда умумий ўрта таълим муассасаларида таълим олаётган 15 ёшли ўқувчилар иштирок этади;
- тадқиқотда ўқувчиларнинг “ҳаётга тайёрлик” даражаси, яъни уларнинг мактабда эгаллаган билим ва кўникмаларини ҳаёт қўллай олиш лаёқати баҳоланади;
- тадқиқотда ўқувчиларнинг математика, ўқиш (матнни тушуниш), табиий йўналишдаги фанлар ва глобал муаммоларни ҳал этиш соҳасидаги функционал саводхонлиги баҳоланади;
- тадқиқотда иштирокчи мамлакатлар таълим тизимининг ўзига хослиги бўйича маълумот олиш имконини берадиган контекст ахборот тўпланади.

Ўзбекистоннинг PISA тадқиқотида иштирок этиши учун қуйидагилар муҳим аҳамиятга эга:

•Ўзбекистонда умумтаълим мактаблари битирувчиларининг таълим олишни давом эттиришга қай даражада тайёрлигини аниқлаш;

•мамлакатдаги умумий ўрта таълимни такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш;

•ўқувчиларнинг таълим соҳасидаги ютуқлари, шунингдек, турли мамлакатларнинг таълим тизимлари ҳақидаги қиёсий маълумотларни олиш.

PISA тадқиқоти ҳақида қўшимча маълумотларни Ўзбекистонда мазкур тадқиқотни ўтказишга масъул ҳисобланган Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий марказининг расмий веб-сайти (markaz.tdi.uz)ва ИҲТТ www.oecd.org/pisa)дан олиш мумкин.

| |
|---|
| *Изоҳ: Тадқиқот давомида шахслар ҳақида олинган барча маълумотлар сир тутилади. Тадқиқот ҳисоботларида алоҳида қатнашчилар (ўқувчилар ва таълим муассасалари)га оид маълумотлар чоп этилмайди.* |

**Нима учун PISA тадқиқотлари ҳар уч йилда бир маротаба ўтказилади ва нега айнан 15 ёшли ўқувчиларнинг билим даражалари аниқланади?**

PISAнинг асосий вазифаси – мамлакатларни таълим сиёсатига оид маълумотлар билан таъминлаш ва қарорлар қабул қилишда уларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

Тадқиқотнинг ҳар уч йилда ўтказилиши эса мамлакатларга сиёсий қарорларни ва тегишли дастурларнинг таъсирини ҳисобга олиш учун маълумот ва таҳлилларни ўз ичига олган ҳолда, ўз вақтида ахборот бериш имкониятини яратиб беради.

Агар тадқиқотни ўтказиш даврийлиги қисқа муддатда амалга оширилса, ўзгаришлар ва янгиланишлар учун етарли вақт ҳамда керакли маълумотларни тўплай олмаслик муаммосини вужудга келтиради.

Тадқиқот доираси 15 ёшли ўқувчи ёшлар орасида ўтказилишига асосий сабаб аксарият *Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига* (ИҲТТ) аъзо давлатларда ушбу ёш мажбурий таълим босқичининг якуний даври ҳисобланади.

**PISA дастурининг ўзига хослиги.** PISA халқаро баҳолаш дастури бутун дунёда кенг қамровли ва мунтазам равишда ўтказиб келинаётган дастур сифатида ўзига хос аҳамиятга эга.

PISA халқаро баҳолаш дастурида қарийиб 80дан ортиқ давлатлар иштирок этишган. Тадқиқотни ҳар уч йилда бир маротаба ўтказилиши эса, давлатларга ўз таълим тизимида келажакда эришиш кўзда тутилган асосий мақсадларни аниқлаб олиш имкониятини яратиб беради.

Шунингдек, дастур 15 ёшдаги ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш бўйича ягона халқаро баҳолаш лойиҳаси ҳисобланади.

*Дастурда қуйидаги масалаларга эътибор қаратилади:*

*Давлат сиёсати масалалари:“Мактаблар ўқувчи ёшларни катта ҳаёт йўлига ўтишига муносиб равишда тайёрлай олишяптими?, “Айрим турдаги ўқув дастурлари бошқаларига нисбатан самаралироқми?”,“Мактаблар муҳожирлар ёки оғир ижтимоий шароитга эга ўқувчилар келажаги*

*яхшиланишига ёрдам берадими?"*каби баъзи бир саволларга жавоб топишдан иборатдир.

*Саводхонлик*: PISA муайян мактаб ўқув дастурларининг устунлигини ўрганиш ўрнига, ўқувчиларнинг асосий мавзуларда билим ва кўникмаларини қўллай олиш қобилияти, муаммоларни таҳлил қилиш, шарҳлаш ва самарали ҳал қилиш, фикрлаш, мулоқот қилиш имкониятларини кўриб чиқади.

*Ҳаёт давомида ўрганиш*: Ўқувчилар мактабда ўрганиши лозим бўлган ҳамма нарсани тўлиқ ўзлаштира олмайди. Самарали ўрганувчи бўлиш учун нафақат билим ва кўникмаларни, балки улар қандай ҳамда нима учун ўрганилиши ҳақида хабардор бўлиши лозим. PISA ўқувчиларнинг ўқиш (матнни тушуниш), математика ва табиий йўналишдаги фанлардан саводхонлигини ошириш билан бир қаторда ўқувчиларнинг таълим олишга қизиқиши, ўзлари ҳақида маълумотлар ҳамда таълим стратегияси ҳақида фикрларини сўрайди.

**PISA ва TIMSS ўртасидаги асосий фарқ.** PISA ва TIMSS дастурларининг асосий фарқи энг аввало уларнинг турли хил ёш ва синфлар тоифасида ўтказилишидан иборатдир. Масалан, PISA 15 ёшли ўқувчиларнинг билимларини баҳолашга қаратилган бўлса, TIMSS эса муайян ёшдаги ўқувчиларнинг эмас, балки тўртинчи ва саккизинчи синф ўқувчиларининг билим ва кўникмаларини баҳолайди. Шу билан бирга, TIMSS баҳолашлари ўқув дастурларига асосланган бўлса, PISA эса, ўқувчилар эгаллаган билим ва кўникмаларини реал муаммоларни ҳал қила олишларини баҳолашга қаратилади. TIMSS айнан мактаб билимларни ўзлаштириш даражаларини баҳоласа, PISA билим ва кўникмаларни мактабда, уйда ва жамоатчилик орасида қўллай олиш даражаларига алоҳида эътибор қаратади.

## 1.2. PISAни бошқариш

**PISA бошқаруви.** PISA дастурининг фаолияти PISA бошқарув кенгаши қарори асосида, лойиҳада иштирок этаётган давлатларнинг таълим соҳасидаги бошқарув органлари масъуллигида ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинган дастур асосида ташкил этилади.

Кенгаш таркибига барча ИҲТТга аъзо давлатлар, шунингдек шерикчилик мақомидаги ҳамкор давлатлар кирадилар. Бугунги кунда шерикчилик мақомга фақатгина Бразилия сазовордир. Давлатлар Кенгашга ўзларининг таълим сиёсати ва амалиёти ҳамда ўқувчиларни баҳолаш борасида юқори илмга эга бўлганларни вакилликка тавсия этади. Кенгаш таркиби ҳукуматнинг расмийлари ва илмий-педагог, тадқиқот ходимлари ҳамда академик институтлардан ташкил топган.

Кенгаш PISA учун сиёсатнинг устувор йўналишларини белгилайди ва амалга ошириш жараёнида ушбу устуворликларга риоя этилишини назорат қилади.

Бу фаолият маълумотлар тайёрлаш, таҳлил қилиш ва ҳисобот беришнинг устувор йўналишлари, стандартларини белгилаш, шунингдек, PISAни амалга ошириш учун асос бўладиган иш ҳажмини аниқлашни ўз ичига олади.

PISAнинг техник тўғрилигини таъминлаш мақсадида ўзида намуналаштириш, сўровномалар тузиш, ўлчаш ва таҳлил қилиш каби PISA тадқиқот усулларини қўллаб-қувватлайдиган дунёга машҳур эксперт ва мутахассислар жалб қилинган. Бу техник маслаҳат гуруҳи(ТМГ) Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан тайинланган. Техник маслаҳат гуруҳи мунтазам равишда PISA маълумотларда ўзга мамлакатларнинг натижалари ва PISA усулларига маълумотларнинг ишончлилиги ва халқаро миқёсда таққосланишига оид қарорлар қабул қилинишида иштирок этади.

**PISA бошқаруви кенгаши.** Бошқарув кенгаши ИҲТТ ва PISA аъзолари вакилларидан иборат. PISAда расмий иштирокчи мақомига эга бўлмаган, лекин қатнашадиган мамлакатлар PISA йиғилишларида кузатувчи сифатида иштирок этишлари мумкин. Кенгашдаги мамлакатлар вакиллари уларнинг таълим вазирликлари томонидан, кенгаш раиси эса PISA бошқаруви кенгаши томонидан танлаб олинади. ИҲТТнинг таълим мақсадлари асосида бошқарув кенгаши PISA учун устувор йўналишларни белгилайди ҳамда уларнинг ҳар бирлари PISA тадқиқотларини амалга ошириш давомида ўзаро ҳурмат руҳида ва виждонан ёндашувларига эътибор қаратади.

**ИҲТТ котибияти.** ИҲТТкотибияти PISA тадқиқотини амалга оширилиши ҳамда узлуксиз бошқарув жараёнини ташкил этиш учун масъул ҳисобланади. Бунда PISA жамоаси сўровномаларни амалга оширилишини назорат қилади, PISA бошқарув кенгашиномидан маъмурий жараёнларни бошқаради, мамлакатлар ўртасида халқаро келишувлар ўрнатади ва PISA бошқаруви кенгаши ҳамда PISA консорциуми ўртасида воситачилик вазифасини бажаради.

**PISA Миллий лойиҳа бошқаруви менежерлари.** ИҲТТ котибияти, PISA бошқарув кенгаши ва халқаро пудратчилар ҳамда Миллий лойиҳа менежерлари билан иш фаолиятларини олиб боради. PISA миллий лойиҳа менежерлари мамлакатларнинг ўз ҳукуматлари томонидан тайинланади.

**Халқаро ташкилотчилар** (“PISA консорциуми”): Ҳар бир PISA сўровига кўра, халқаро ташкилотчилар (одатда синов ва баҳолаш органларидан иборат) тест-сўровларни лойиҳалаштириш ва амалга ошириш учун жавоб беради.

Ташкилотчилар PISA бошқарув кенгаши томонидан халқаро тендер танлови орқали танланади. Пудратчи одатда PISA Консорциуми (тадбиркорларнинг йирик операцияларини биргаликда амалга ошириш мақсадида бирлашиши) деб номланади.

**Таълим органлари.** PISA халқаро баҳолаш дастурини амалга ошириш иштирокчи давлатлар ва таълим вазирликлари кўмагисиз ва уларнинг қўллаб-қувватлашисиз амалга оширишнинг имкони йўқ.

**PISA фанлар бўйича эксперт гуруҳлари.** PISA мавзуга оид масалалар бўйича эксперт гуруҳларига эга бўлиб, улар синовларнинг учта асосий йўналишлари - ўқиш, математика ва табиий фанлар саводхонлиги, шунингдек, зарур бўлган ҳолларда бошқа фан масалалари бўйича ваколатларга эга. Ушбу гуруҳлар ҳар бир соҳа бўйича малакали экспертлардан ташкил топган. Улар ҳар бир PISA тест-сўровининг назарий асосларини яратади.

**PISA сўровномаси бўйича экспертлар гуруҳи.** Тест-сўрови бўйича экспертлар гуруҳи PISA контекстига оид сўровномалар тузишда етакчилик қилиши ва методик ёрдам бериши назарда тутилган. Тест-сўрови бўйича мутахассислар гуруҳининг аъзолари PISA бошқарув кенгаши томонидан танланади.

**PISA тадқиқотларини амалга оширишнинг молиявий манбаи.** PISA унда иштирок этаётган давлатларнинг бадаллари ҳисобидан молиялаштирилади.

## 1.3. Тадқиқотни ўтказиш жараёни

**Барча ўқувчилар учун бир хил тест саволлари берилмайди.** PISA тадқиқотларида қўлланиладиган тест саволлари одатда мамлакат таълим тизими самарадорлигини баҳолаш учун ишлаб чиқилади. Тадқиқот саволлари ўқувчиларни индивидуал баҳолаш учун мўлжалланмаган. Шу сабабли, ҳар бир ўқувчига бир хил намунадаги саволлар тўплами тарқатилиши талаб этилмайди. Шундай қилиб, PISA тест материаллари тўплами тестда қатнашган ўқувчилар орасида тасодифий танлов тарзида тақсимланади.

**PISA - 2015 тадқиқоти компьютер тизимидан фойдаланган ҳолда ўтказилди. Бунинг ўзига хос аҳамияти нимада?** Компьютер ва компьютер технологиялари кундалик ҳаётимизнинг бир қисмига айланиб улгурган. PISA халқаро баҳолаш дастурини компьютерда ўтказиш анъанаси ҳам ижобий маънода яхши йўлга қўйилган.

2015 йилда PISA халқаро баҳолаш дастурида қатнашиш истагини билдирган кўплаб давлатларда илк марта компьютер ёрдамида тест жараёнлари ўтказилган. Фақат компьютерда ўтказишга тайёр бўлмаган айрим давлатлардагина тест синовлари қоғоз кўринишида ўтказилган.

**Мамлакатларда PISA тадқиқотларида иштирок этиш учун мактаблар қандай танлаб олинади?** PISA тадқиқотида иштирок этувчи мактабларни танлаб олиш учун қатъий техник стандартларни қўллайди. Мактабларни танлаб олиш жараёни сифати таъминланади ва эришилган намуналар ва тегишли жавоб ставкалари белгиланган нормаларга риоя қилганлигини тасдиқлайдиган қарор қабул қилиш жараёнига боғлиқ.

Агар бирон-бир давлатнинг жавоб даражаси белгиланган чегарадан пастга тушса, бу хабар қилинади. PISA натижалари ҳақида қўшимча маълумотларни ИҲТТ ташкилоти расмий веб-сайтидан (www.oecd.org/pisa) олиниши мумкин.

**ИҲТТ маълумотлар аномалиясига қандай эътибор беради?** Қуйида баъзи бир давлатларнинг PISA тадқиқотлари консорциуми техник талабларига жавоб бермаган ёки тўғри келмаган вазиятларда ИҲТТ ташкилоти баъзи бир давлатларнинг миллий маълумотлар ҳисоботларини ҳисобга олишмаганини кўришимиз мумкин:

**Австрия.** PISA-2000 Техник Маъруза (ИҲТТ, 2002)да таъкидланганидек, PISA-2000 баҳолаш техник стандартлари талабларига мувофиқ қўшма мактаб ва касбий дастурларга киритилган ўқувчилар етарлича таъминламади. Шундай қилиб, Австрия учун чоп этилган PISA-2000 ҳисоботлари нотўғри маълумотлар

базаси дея таърифланди **(ИҲТТ 2001)**. Фақатгина, ушбу хатоликни PISA-2003 тадқиқотида тўғрилашга эришилди.

**Нидерландия.** PISA-2000 Техник Хабарномаси (ИҲТТ, 2002)да таъкидланганидек, Нидерландия мактабларнинг жавоб даражаси PISA-2000 маълумотлар базасига киритилиши учун етарли эмас деб топилган. Шунинг учун, Нидерландия PISA-2000 билан боғлиқ тадқиқотлардан четлаштирилди.

**Люксембург.** PISA-2000 ва PISA-2003 ўртасидаги тест топшириқлари шароитида Иқтисодий стандартларга мувофиқликни такомиллаштириш ва мактаб тизимининг миллий хусусиятларини яхшироқ акс эттириш мақсадида ташкилий ва лингвистик жиҳатлар бўйича ўзгаришлар амалга оширилди.

PISA-2000 йилда Люксембург ўқувчиларигабаҳолаш китоби ҳар бир ўқувчи танлаган синов тилларида баҳолашдан бир ҳафта олдин берилди.

Бироқ, амалда баҳолаш тили билан танишиш Люксембургдаги PISA-2000да ўқувчиларининг сезиларли қисми учун муҳим тўсиқ бўлди. PISA-2003 ва PISA-2006да шунинг учун ўқувчиларга икки тиллик баҳолаш варақчаси берилди. Ўқувчилар баҳолашдан олдин ўзлари учун мақбул тил танлаш имкониятига эга бўлишди.

Бу фақатгина бир тилда ўқитиладиган давлатлар билан кўпроқ таққосланишига ҳамда натижада ўқиш, математика, табиий фанлар ва муаммони ҳал қилишда ўқувчиларнинг кўрсаткичини адолатлироқ баҳолашга олиб келди. Жараёнлардаги бу ўзгариш натижасида PISA-2000 ва PISA-2003 ўртасидаги Люксембург учун баҳолаш жараёнлари ҳамда баҳолаш натижаларини таққослаб бўлмайди. PISA-2003 ва PISA-2006 ўртасидаги баҳолаш ҳолатлари ўзгартирилмаганлиги сабабли таққосланса бўлади.

**Америка Қўшма Штатлари.** PISA-2006 тадқиқот доирасида АҚШда PISA тадқиқоти саволларини нашр этишда хатолик мавжуд бўлиб, натижада саҳифалар рақамлари ўзгаришига ва ўқиш саводхонлиги бўйича ҳам қўлланмаларни нотўғри талқин этилиши ҳолатлари кузатилган ҳамда ўқувчиларда тест саволларига жавоб беришда ноқулайликларни келтириб чиқарган.

## 1.4. Тадқиқот натижалари

**PISA тадқиқоти натижалари очиқ маълумот ҳисобланадими?** PISA тадқиқотлари натижалари онлайн тарзда мавжуд. Аввалги даврларда олинган натижаларни www.oecd.org/pisa веб-сайтнинг **“Асосий натижалар”** рукнидан ва натижалар бўйича барча маълумотларни **“Маълумотлар”** рукнидан топиш мумкин.

**Синов натижалари баллари нимани англатади?** PISA баллари PISA томонидан синовдан ўтказилган умумий ваколатларни кўрсатиш учун мўлжалланган ҳар бир фан доирасида ишлаб чиқилган маълум миқёсларда жойлаштирилиши мумкин.

Бу ўлчовлар PISA тест саволларини гуруҳларда ифодаловчи икки даражага бўлинади: 1-даража босқичида фақатгина асосий кўникмалардан мураккабгача ва ҳар бир босқичда кийинчилик даражасига қараб ўсиб боради. Тестда ўқувчиларнинг натижаси текширилганда унинг ўқиш (матнни тушуниш),

математика ва табиий фанлар бўйича олган натижаси мос ўлчовга жойлашади. Мисол учун, PISA тестида энг оддий саволларни тўғри тўлдириш учун зарур бўлган маҳоратга эга бўлмаган талаба 1-даражали синфга киради, бироқ ўқувчиларнинг ушбу кўникмалари юқори даражада бўлиши керак. Ҳар бир фан бўйича тестда иштирок этаётган мамлакатнинг бали ўша мамлакатдаги барча ўқувчиларнинг ўртача балларидан иборат бўлади.

Ҳар бир фан тестида давлатлардан қатнашаётган ўқувчини баҳолаш ўша давлатнинг барча ўқувчилар балининг ўртачасини билдиради. Мамлакатларнинг ўртача бали **500 баллни** ташкил этади ва стандарт оғиш эса **100 баллни** ташкил этади. ИҲТТ давлатлари ўқувчиларининг тахминан учдан икки қисми **400 дан 600 гача балл** тўплаган.

**Иштирокчи мамлакатлар PISA рейтингида қандай баҳоланади?**

PISAўқиш (матнни тушуниш), математика ва табиий фанлар бўйича натижаларга кўра иштирокчи мамлакатларни баҳолайди. PISA барча фанларга умумий балл бермайди, аксинча, у ҳар бир фан соҳаси учун баҳо беради ва ҳар бир ҳудуд учун ўртача балл даражасини белгилайди. Бироқ, ҳар бир мамлакатга ҳар бир фан бўйича аниқ бир даража бериш мумкин эмас.

**PISA тестлари ва натижаларининг ишончлилигини таъминлаш учун қандай қадамлар қўйилади?** PISAнинг шаффофлилигига ишониш, фақат вақт ўтиши билан ривожланиб, бундан кейин ҳам давом этадиган статистик модел ҳақида эмас, балки, тадқиқотни лойиҳалаштириш, амалга ошириш ва таҳлил қилишнинг барча техник жиҳатларига татбиқ этиладиган қатъийлик асосида амалга оширилади. Хусусан, тестларни ишлаб чиқишда, баҳолашнинг ишончлилиги уларни ишлаб чиқиш, танқид қилиш, таҳлил қилиш, кўриб чиқиш ва танлашда қўлланиладиган тартибларнинг қатъийлиги билан боғлиқ.

Экспертлар учун бу масала юзасидан барча жиҳатларни ҳисобга олинганлигини таъминлаш ва ушбу жиҳатларга етарлича мос мувозанатда бўлган тест материаллари тўпламини танлаб олишда эксперт фикрини беришдан иборат. PISAда бу иш халқаро экспертлардан ташкил топган маслаҳат гуруҳлари билан ишлайдиган баҳолаш мутахассислари томонидан амалга оширилади. Ушбу материални танлаш жараёнида иштирок этувчи мамлакатлар ва иқтисодчилар ҳам муҳим рол ўйнайди.

**Ўқувчилар PISA дастурида ёлғон ишлатишлари мумкинми?** PISA-дунёдаги энг илғор халқаро, юқори сифатли ва юқори самарали таълимни баҳолаш дастури ҳисобланади ва шунинг учун PISA маълумотларининг 100% тўғри ва ҳақиқий эканлиги жуда муҳимдир.

Шу мақсадда, ИҲТТ ўқувчининг қобилиятларини, ўзи ҳақидаги маълумотлар ва фаолиятини аниқ акс эттириши ҳамда ҳар қандай алдов шаклларини ишлатмаслиги учун барча даражаларда жуда қаттиқ шартларни қўллайди. Ушбу ишонч ИҲТТ ва ҳар бир давлат ўртасида иштирок этиш шартлари талабларига розилик билан мустаҳкамланади. Розилик шартномасининг 4-моддаси давлатлардан синов материаллари хавфсизлигини назорат қилиш ва баҳолашни хавфсиз бошқариш кабиларни ўз ичига олган PISA учун кенг қамровли техник стандартларни талаб қилади.

Ушбу талаблар кейинчалик “PISA-Ҳаракатлар қўлланмаси”, “Мактаб координаторлари қўлланмаси” ва “Тест маъмурияти қўлланмаси” орқали такомиллаштирилади. Ушбу қўлланмалар барча тест материалларини хавфсиз тарзда қабул қилиш, уларни сақлаш ҳамда тест ўтказиш жараёнини хавфсиз бошқариш учун аниқ кўрсатмаларга эга. Тасдиқланган лойиҳа ходимларидан бошқа ҳеч ким PISA хавфсизлигига оид маълумотлар ва фойдаланиш таъқиқланган материаллардан фойдалана олмайди. Тасдиқланган лойиҳа ходимлари учун расмий конфиденциаллик қоидалари мавжуд.

**Нима учун Хитой Халқ Республикасининг барча аъзолари PISAда иштирок этмайдилар?** Сўнгги йилларда миллий вазирлик PISA дастурини Хитойнинг бир неча вилоятларида тўлиқроқ иштирок этишга тайёрлаш мақсадида синовларни ўтказмоқда. Шанхай PISA-2009дан буён иштирок этиб келади. Пекин ҳамда Цзянсу ва Гуандун провинциялари эса PISA-2015 тадқиқотларида иштирок этди.

**PISA тадқиқоти дарслари мамлакатларнинг таълим тизими ривожи учун қандай ёрдам берган?** PISAда иштирок этган мамлакатлар бўйича ИҲТТнинг 2012 йилги сўровномасида респондентларнинг аксарияти юқори даражадаги давлатлар ёки ривожланаётган тизимларнинг таълим сиёсати ўзларининг фаолиятини амалга ошириш жараёнларида самарали таъсир кўрсатганини таъкидладилар.

Яна кўплаб мамлакатлар PISA миллий ёки федерал баҳолаш стратегиясининг янги таркибий қисмларининг ривожланишига таъсир кўрсатганини айтиб ўтишади. Дастурларни ўрнатиш ва стандартларга нисбатан кўплаб мамлакатлар PISA тизимининг таъсирини қуйидагиларга қаратди: миллий ўқув дастурларини PISA меъёрлари ва баҳолашлари билан таққослаш; миллий стандартларни шакллантириш; уларнинг таълим тизимига таъсири; PISAга ўхшаш ваколатларни ўқув дастурларига киритиш; миллий талабларга жавоб берувчи стандартларни белгилашга қаратилган.

**PISA натижалари ўқувчиларнинг бошқа инсонлар билан мулоқот ўрната олиш қобилиятларини баҳолай оладими?** PISA-2015 тадқиқот доирасида ўқувчилар билимини баҳолаш инсон ресурсларидан фойдаланмаган ҳолда компьютерга асосланган баҳолаш тизими асосида амалга оширилди. Бу эса ўз навбатида, ўқувчиларнинг қобилиятларини изчиллик билан аниқлаш имконини берди. Хусусан, ўқувчиларнинг турли гуруҳлар билан ҳамкорликда ишлаши ишончли тарзда таққосланиши мумкин.

# II БОБ. PISA ТАДҚИҚОТИНИ ЎТКАЗИШ

## 2.1. PISA тадқиқотини ўтказиш

Қуйида компьютерда тест топшириш, шунингдек, турли хилдаги сўровномаларни ўтказиш баён этилади.

**Компьютерда тест топшириш.** Компьютерда тест топшириш учун 2020 йилда назорат-синов материалларини апробациядан ўтказиш жараёнида 15 ёшлилар таълим оладиган камида 28 та таълим муассасасидан камида 71-72 нафар ўқувчилар танлаб олинади. Агар таълим муассасасида 71-72 нафар ёки ундан кам ўқувчи бўлса, тадқиқот қоидаларига кўра, уларнинг барчаси тестда қатнашади.

2021 йилдаги асосий тадқиқотлар жараёнида камида 150 та мактабнинг ҳар бирида 15 ёшли ўқувчилар орасидан камида 42 нафардан ўқувчилар, жами камида 6300 нафар ўқувчилар танлаб олинади.

Ўқувчилар математика, ўқиш (матнни тушуниш даражаси), табиий фанлар йўналишлар бўйича 120 дақиқа давомида компьютерда тест топширади.

**Ўқувчилардан сўровнома ўтказиш.** Ўқувчилардан сўровнома ўтказиш уларнинг таълим олишга муносабати ва ҳаётий тажрибаларини аниқлаш имконини беради. Тест топшириш учун танлаб олинган ўқувчилардан сўровномалар тест топшириб бўлганидан кейин 15 дақиқалик танаффусдан сўнг олинади. Сўровнома ўтказишга 35 дақиқа вақт ажратилади.

**Таълим муассасаси маъмуриятидан сўровнома ўтказиш.** Таълим муассасаси (ТМ) маъмуриятидан сўровнома ўтказиш натижасида тўпланган маълумотлар тадқиқотда қатнашаётган мамлакатлар таълим тизимидаги фарқларни белгилаб берувчи омилларни аниқлаш имконини беради. Сўровномани тўлдириш юзасидан йўл-йўриқлар таълим муассасаси Координаторига мўлжалланган ахборот материалларида келтирилади.

## 2.2. Таълим муассасасида тадқиқотга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун масъул бўлган таълим муассасаси координаторининг роли

Мазкур параграфда тест ўтказишда фойдаланиладиган барча асосий ҳужжатлар келтирилган.

*2.1- жадвал*

**Тест ўтказиш учун керакли ҳужжатлар**

| **Ҳужжат** | **Тавсифи** | **Ким томонидан тўлдирилади** |
|---|---|---|
| Материалларни қабул қилиш шакли | Миллий марказдан қабул қилинган материаллар ҳолати қайд этилган ҳужжат | ТМ координатори |
| “Компьютерлар текшируви натижалари” шакли | Мазкур шаклда таълим муассасасида мавжуд бўлган компьютерларнинг асосий характеристикаси ҳақидаги маълумотлар ўрин олган.<br>Бу шакл тест жараёнида фойдаланиш мумкин бўлган компьютерлар сонини аниқлаш учун ишлатилади | Таълим муассасасида компьютер техникасига жавобгар бўлган АКТ бўйича мутахассис |
| “Тестни ўтказиш санаси” шакли | Мазкур шаклда тест ўтказишнинг тахминий саналари кўрсатилади | ТМ Координатори |
| Таълим муассасасининг ўқувчилар рўйхати | Мазкур ҳужжатга PISA тадқиқотида иштирок этиш мезонларига мос келадиган барча иштирокчилар киритилади | Миллий марказ томонидан тўлдирилади,<br>ТМ Координатори томонидан тузатишлар киритилади |
| PISA тестида иштирок этиш учун танланган ўқувчилар рўйхати | PISA тадқиқотида қатнашишга танланган ТМ ўқувчилари рўйхати ва улар ҳақидаги демографик маълумот | Миллий марказ томонидан тўлдирилади,<br>ТМ Координатори томонидан тузатишлар киритилади |
| “Таълим муассасаси ҳақида маълумот” шакли | Ҳужжатда онлайн режимда сўровнома тизимига кириш учун таълим муассасаси маъмурияти ҳақида маълумотлар келтирилган | Миллий марказ |
| PISA тест жараёнида иштирок этиш шакли | Ҳужжат тест жараёни ва сўровномада иштирок этадиган ўқувчилар мавқеини қайд этиш учун ишлатилади | Миллий марказ ва ТМ Координатори томонидан |

| | | |
|---|---|---|
| “Ўқувчи ҳақида маълумот” шакли | Ҳужжатда онлайн режимида тест ва сўровнома тизимига кириш учун маълумотлар келтирилган | Миллий марказ ва ТМ Координатори томонидан |
| PISA тестини ўтказиш баённомаси | Ҳужжатда ўқувчиларнинг тест топширишлари ёки сўровнома ўтказиш шароитлари тасвирланади ва вақти қайд этилади | ТМ координатори |
| Иштирок этиш коэффициентини ҳисоблаш чизмаси | Ҳужжат қўшимча тест ўтказиш бўйича қарор қабул қилиш учун ишлатилади (зарур ҳолларда) | ТМ координатори |
| Материалларни қайтариб бериш шакли | Тўлдирилган ҳужжат Миллий марказ координаторига тест материаллари билан биргаликда жўнатилади | ТМ координатори |

Мазкур жадвалдаги ҳужжатларни кейинчалик тўлдириш зарур бўлади. Ҳужжатларнинг тўлиқ ва аниқ тўлдирилиши жуда муҳимдир, бу тест жараёни ва ўқувчиларнинг демографик характеристикали сўровнома натижалари тўғри бўлиши керак.

## 2.3. Тест жараёнини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишлар мазмуни ва босқичлари

Таълим муассасаси координатори таълим муассасаси ва Миллий марказ ўртасида боғловчи шахс саналади.

Миллий менежер ТМга тест топшириш учун танлаб олинган ўқувчилар рўйхатининг нусхасини юборади.

Мазкур шакл таълим муассасаси ходимлари ва ўқувчиларга тестни ўтказиш санаси, вақти ва жойи ҳақида хабар бериш учун муҳим саналади. Шунингдек, таълим муассасасига маъмурият тўлдириши учун сўровномалар бўйича қўлланмалар ва бошқа материаллар юборилади.

Мазкур қўлланмада тадқиқотни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича баён этилган барча йўл-йўриқлар ҳамма иштирокчи мамлакатларда бир хилда бажарилиши муҳимдир. Бу талабни бажармаслик эса, тадқиқот натижаларини йўққа чиқаришга олиб келиши мумкин.

*2.2-жадвал*

**Тест жараёнини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишлар мазмуни ва босқичлари**

| Иш босқичлари | Муддати | Иш мазмуни |
|---|---|---|
| **Тест жараёни ва сўровнома ўтказишга тайёргарлик кўриш** | Тест жараёнидан 6 ҳафта олдин | Тест ва сўровнома ўтказиш санасини мувофиқлаштириш |
| | | Таълим муассасасининг ўқувчилар рўйхатини тайёрлаш босқичи |
| | | Компьютерлар текширувини ўтказиш ва “Компьютерлар текшируви натижалари” шаклини тайёрлаш |
| | | Тест жараёнининг ўтказилиши бўйича кузатувлар ҳақида |
| **Тест жараёни ва сўровномани ўтказишдан олдин** | Тестдан 1-2 ҳафта олдин | Тест жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича материаллар билан танишиш ва тестни ўтказиш бўйича мутахассислар тайёрлаш |
| | | Миллий марказдан қабул қилинган тест материалларини текшириш ва конфиденциаллигини таъминлаш |
| | | Ўқитувчилар, ўқувчилар ва ота-оналарни тадқиқот ўтказилиши ҳақида хабардор қилиш |
| | | *Тест топшириш учун танлаб олинган ўқувчилар рўйхати* ва иштирок этиш шаклини текшириш ҳамда тузатишлар киритиш |
| | Тестдан 1-2 ҳафта олдин | Маълумотларни киритишга масъул бўлган ва маъмурият учун сўровномани тўлдиришни назорат қиладиган шахсга *“Маълумотлар (таълим муассасаси сўровномаси)”* ва “Маъмурият учун сўровномани тўлдиришга тайёргарлик бўйича” В. илова шаклини етказиш |
| | Тестдан бир неча ҳафта олдин | Тест жараёни кодлари билан таништириш |
| | | Дастур билан USB-ташувчиларни ҳамда *“Ўқувчи ҳақида маълумот”* шаклларини тайёрлаш |
| | | Тест материалларининг конфиденциаллиги ва сақланишини таъминлаш |

| | | |
|---|---|---|
| | | Тест ўтказиш режасини тайёрлаш |
| | | Ҳар бир тест ўтказишда иштирок этадиган қўшимча ходимлар ишини ташкил этиш (агар иложи бўлса) |
| | | Тест ўтказиш учун зарур бўладиган материалларни тайёрлаш |
| | | Тест ўтказувчини “Тест ва сўровнома ўтказиш тартибси”(С иловага қаранг) ва “Ўқувчилар учун сўровноманинг айрим саволларига изоҳлар” билан таништириш (D илова) |
| **Тест куни** | Тест бошланиш-дан 1 соат олдин | Бино ва материалларни тест ўтказишга тайёрлаш |
| | | Тест ўтказишнинг муҳим жиҳатларини кўриб чиқиш |
| | Тест жараёнида | Тест жараёнини ўтказиш (муҳим жиҳатлари) |
| | Тест жараёни тугаши биланоқ | Қўшимча тест ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиш |
| **Тест жараёни якунлангач** | Асосий тест ўтказилган ҳафтада (имкон қадар) | Тест ўтказиш материалларини йиғиб олиш |
| | | Қўшимча тест ўтказиш (зарур ҳолларда) |
| | | Таълим муассасаси папкаси ва конвертини тайёрлаш |
| | | Тадқиқот материалларини жўнатишга тайёрлаш |
| | | Тадқиқотнинг барча материалларини Ҳудудий ва Миллий менежерга юбориш |

# III БОБ. ТЕСТ ЖАРАЁНИ ВА СЎРОВНОМА ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ

## 3.1. Тест жараёни ва сўровнома ўтказиш санасини мувофиқлаштириш

Ўзбекистонда PISA дастури бўйича ўқувчиларда тест ва сўровномалар 2021 йилнинг биринчи ярмида ўтказилиши режалаштирилган.

3.1- жадвалда тест жараёнини ўтказиш учун вақт тақсимоти келтирилган бўлиб, унга амал қилиниши зарур. Бу тақсимотда тест жараёнини ўтказишдан олдин барча тайёргарликлар учун вақти инобатга олинган. Тест жараёнини шундай режалаштириш керакки, агар бинода компьютерлар етишмаслиги кузатилса, бунда ўқувчилар кетма-кет тест топшириши, бошқа бинодан фойдаланиш эҳтимоллигини олдиндан назарда тутиш керак ёки бошқа куни яна тест ўтказиш керак бўлади.

Ўқиш кунининг давомийлигига боғлиқ ҳолда, эҳтимол, ўқувчиларда сўровномалар ўтказиш куннинг иккинчи ярмига режалаштирилиши ҳам мумкин.

Тест ўтказиш учун вақтни режалаштиришда тест жараёнига 5 соатдан 6 соатгача вақт кетишини инобатга олиш керак. Бу вақт давомида тест ўтказиладиган бинолар бўш бўлиши зарур. Тест топшириши учун рўйхат бўйича танлаб олинган ҳар бир ўқувчи учун компьютер зарур.

***3.1-жадвал***

**Тест ўтказиш вақтлари тақсимоти**

| **Иш тури** | **Тест ўтказиш учун бинонинг бўш бўлиши талаб этиладиган вақт давомийлиги** | **Ишни бажариш учун ўқувчиларга ажратилган вақт** |
|---|---|---|
| Компьютер хонасини тайёрлаш | 60 дақиқа (тахминан) | - |
| Тест ўтказиш дастурига киришда ўқувчилар ҳақидаги маълумотларни киритиш ва машқ топшириқларини бажариш | 15 дақиқа (тахминан) | 15 дақиқа (тахминан) |
| Тестнинг 1-бўлимига оид қўлланмани ўқиш | 5 дақиқа (тахминан) | 5 дақиқа (тахминан) |
| Тест жараёни (ишнинг 1-соати) | 60 дақиқа (тўлиқ) 30 дақиқадан сўнг, 5 дақиқа танаффус | 60 дақиқа (тўлиқ) |

| | | |
|---|---|---|
| Қисқа танаффус | 5 дақиқадан кўп эмас | 5 дақиқадан кўп эмас |
| Тестнинг 2-бўлимига оид қўлланмани ўқиш | 5 дақиқа (тахминан) | 5 дақиқа (тахминан) |
| Тест жараёни (ишнинг 2-соати) | 60 дақиқа (тўлиқ) 30 дақиқадан сўнг 5 дақиқа танаффус берилади | 60 дақиқа (тўлиқ) |
| Танаффус | 15 дақиқа | 15 дақиқа |
| Ўқувчилардан сўровнома ўтказиш | 35 дақиқа (тахминан) | 35 дақиқа (тахминан) |
| Ишни якунлаш, маълумотларни йиғиш ва бериб юбориш | 5 дақиқа (тахминан) | 5 дақиқа (тахминан) |

*3.2- жадвал*

**Таълим муассасасининг ўқувчилар рўйхатини тўлдириш намунаси (PISA MS)**

| | |
|---|---|
| ТМ сони ёки номи: | 138-сонли мактаб |
| Манзил: | Тошкент ш., Юнусобод туманиДўстлик кўчаси, 3-уй |
| Телефон/факс: | (71) 223-37-82 |
| Электрон почта: | namuna@namuna.com |
| Рўйхатдаги жами ўқувчилар сони: | 13 |
| PISA талабларига мос келадиган ва текширув талабларидан ўтган компьютерлар сони: | 15 |
| Тест ўтказиладиган ташкилот модели*: | 1 |

| ТУЗИШ БЎЙИЧА ҚЎЛЛАНМА: Рўйхатга таълим муассасасининг **2006 йилда туғилган, 7 синф**дан бошлаб **БАРЧА** ўқувчилари киритилади | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **№** | **(A) Ўқувчининг фамилияси, исми** | **(B) Синф** | **(C)** Жинси (а-1;э-2) | **(D)** Туғилган ойи ва йили | | **(E)** Таълим дастури | **(F)** Махсус таълим коди |
| 1. | Ахмедов Илёс | 10 | 2 | 12 | 2006 | 1 | |
| 2. | Азаров Камол | 10 | 2 | 11 | 2006 | 1 | 1 |
| 3. | Мирпўлатова Ноила | 10 | 1 | 12 | 2006 | 1 | |
| 4. | Дадаев Равшан | 9 | 2 | 05 | 2006 | 1 | 3 |
| 5. | Дусанов Жавоҳир | 10 | 2 | 04 | 2006 | 1 | 3 |
| 6. | Гаипова Азиза | 10 | 1 | 09 | 2006 | 1 | |
| 7. | Камолов Рустам | 10 | 2 | 07 | 2006 | 1 | 1 |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 8. | Махмудова Ирода | 10 | 1 | 04 | 2006 | 1 | |
| 9. | Турғунова Саида | 10 | 1 | 07 | 2006 | 1 | |
| 10. | Бўронов Аслбек | 10 | 2 | 10 | 2006 | 1 | |
| 11. | Баходирова Нигина | 10 | 1 | 12 | 2006 | 1 | |
| 12. | Достонова Васила | 10 | 1 | 08 | 2006 | 1 | 2 |
| 13. | Ёдгорова Маҳлиё | 9 | 1 | 09 | 2006 | 1 | |

*1-модель - тест жараёни PISA тадқиқотлари учун танлаб олинган ТМда ўтказилади.

2- модель - тест жараёни ТМга бошқа ташкилотлардан олиб келинган ноутбукларда ўтказилади.

3-модель - тест жараёни бошқа жой (масалан, бошқа ТМ нинг компьютер синфхонасида ёки методик марказ)да ўтказилади.

Бошқа модель - Илтимос, аниқлик киритинг (масалан, 1- ва 2- моделларнинг бирикмаси)

Рўйхатни тайёрлади: Дадаева И.И. февраль 2021
(Ф.И.Ш.) (имзо) (тузилган вақти)

## 3.2. Тадқиқотда иштирок этиш учун таълим муассасасининг ўқувчилар рўйхатини тайёрлаш босқичлари

***1-босқич: қуйидаги мезонларга мос келадиган таълим муассасасининг барча ўқувчиларини аниқлаш.***

PISA тадқиқотида қатнашиш учун мезон:

- Умумий ўрта таълим, ўрта-махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларининг 2006 йилда туғилган, 7-синфдан бошлаб **барча** ўқувчилари киритилади.

Ишончли маълумот олиш учун тадқиқотда иштирок этиш мезонига мос келадиган барча ўқувчилар ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиш зарур. Танлаб олинган ўқувчиларнинг кам қисми у ёки бу сабабларга кўра тест жараёнида иштирок эта олмасликлари мумкин. Бироқ юқорида келтирилган мезонга мос келадиган барча ўқувчилар **рўйхатга киритилиши керак**. Ўқувчиларни рўйхатдан чиқариш бўйича қарор қабул қилиш учун тавсиялар қуйидаги бобда келтирилади.

***2-босқич. Тадқиқотда иштирок этиш мезонига мос келадиган, демографик маълумотларни ўз ичига олган ўқувчилар рўйхатини тузиш*** (ўқувчи фамилияси, исми)

Тадқиқотда иштирок этиш мезонига мос келадиган ўқувчиларнинг рўйхатини электрон кўринишда Миллий менежерга юборилади.

***3-босқич. (Е) устунини тўлдириш – ҳар бир ўқувчи учун ўқитиш дастури коди.***

Ўқувчилар рўйхатининг (Е) устунига ҳар бир ўқувчининг таълим дастурига мос келадиган код танланади ва ёзиб қўйилади. Турли ўқитиш дастури учун код келтирилган (3.3- жадвал).

*3.3- жадвал*

**Ўқувчилар рўйхатида фойдаланиладиган ўқитиш дастури коди**

| **Ўқитиш дастури** | **код** |
|---|---|
| Умумий ўрта таълим (7-9-синф) | 1 |
| Умумий ўрта таълим (10-11-синф) | 2 |
| Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими (академик лицей, касб-ҳунар коллежи ва бошқалар) | 3 |

***4-босқич. (f) устунни тўлдириш– махсус ёки коррекцион таълим олаётган ўқувчиларни аниқлаш.***

Қатнашиш мезонига мос келадиган, бироқ махсус ёки коррекцион таълим олаётган ўқувчилар ҳақида маълумот рўйхатнинг (F) устунига ёзилади. Таълим олишнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш учун 3.4-жадвалда келтирилган кодлардан фойдаланилади.

*3.4-жадвал*

**Махсус ёки коррекцион таълим кодлари**

**Мисол учун:**

| **Тавсифи** | **код** |
|---|---|
| Организмнинг функционал ёки таянч-ҳаракат аппарати носоғломлиги – ўқувчи ўрта ёки юқори даражада доимий носоғлом | **1** |
| Ривожланишдан ортда қолиш – таълим олувчининг ақлий ёки руҳий ривожланишдан оғиши. Тиббий хулосага кўра, унга ривожланишдан ортда қолиш ташхиси қўйилган бўлса | **2** |
| Она тилиси ўзбек тили бўлмаган - бошқа миллатга мансуб ёки таълимни бошқа тилда олган, ўзбек тилини яхши билмайдиган ўқувчилар | **3** |

**Махсус ёки коррекцион таълим кодларидан фойдаланиш намуналари:**

3.4-жадвалда махсус ёки коррекцион таълим олаётган ўқувчиларнинг кодлари қўйилган рўйхат келтирилган:

- Азаров Камолда таянч-ҳаракат аппарати носоғлом бўлганлиги учун (F) устунга “1” коди қўйилган.
- Дадаев Равшан учун ўзбек тили она тилиси бўлмаганлиги ва у 1 йилдан кам муддатда ўзбек тилида таълим олганлиги сабабли (F) устунга “3” коди қўйилган.
- Дусанов Жавоҳирнинг ўзбек тили она тилиси эмас, бироқ у бир йилдан кўп вақт давомида ўзбек тилида таълим олсада, бу тилда ўқишда баъзи қийинчиликларга дуч келади. Унга ҳам (F) устунга “3” коди қўйилган.
- Камолов Рустам – кўзи ожиз (кўрмайди), шунинг учун (F) устунга “1” коди қўйилган.
- Достонова Васила ривожланишдан ортда қолган, тиббий комиссия хулосаси бор. Шунинг учун (F) устунга “2” коди қўйилган.
- Қолган барча қатнашчилар махсус ёки коррекцион таълим олмайди, шу сабабдан уларда (F) устун очиқ қолган.

*5-босқич: Компьютерлар сони ва тест жараёнини ўтказиш модели ҳақидаги маълумотларни киритиш.*

Ўқувчилар рўйхати шаклининг юқори қисмидаги тегишли қаторларига PISA талабларига мос келадиган ва текширув талабларидан ўтган компьютерлар сони ва таклиф этилган 1-3-моделларга мос келадиган, таълим муассасасида компьютерда тест ўтказиладиган муассаса сони модели киритилади.

*6-босқич. Ўқувчилар рўйхатини тўлдириб, миллий менежерга юбориш.*

Тўлдирилган "Ўқувчилар рўйхати"ни Миллий менежерга белгиланган муддатга қадар электрон почта манзилига юбориш керак.

### 3.3. Компьютерлар текширувини ўтказиш ва "Компьютерлар текшируви натижалари" шаклини тайёрлаш

Таълим муассасасида компьютер техникаси текширувини ўтказиш зарур. Агар текширувдан кейин компьютерда яна бирор бир носозлик рўй берса, бу ҳақда Миллий менежерга хабар бериш керак. Бундай ҳолда текширувдан қайта ўтказилиши ва текширув натижаларининг янги шаклини тўлдириш керак бўлади (А. иловага қаранг).

Агар компьютерлар текширувдан ўтказилмаган бўлса, уни мазкур қўлланма олинганидан кейин дарҳол ўтказилиши керак.

Текширувнинг ўтказилиши мавжуд компьютер техникаси ҳақида ахборот олишга ёрдам беради, бу эса тест жараёнида ишлатишга яроқли бўлган компьютерлар сонини аниқлаш учун зарур. Текширувни ўтказиш бўйича йўл-йўриқлар "Компьютерлар текширувига оид қўлланма"да келтирилган.

Текширувни ўтказиш бўйича ҳисобот тайёрлашда тест ўтказиладиган таълим муассасаси компьютер ресурсларининг техник жиҳатларидан хабардор бўлган мутахассис иштироки талаб қилинади. Шаклни тўлдиришда мазкур таълим муассасасининг компьютер ресурсларига масъул бўлган мутахассис иштирок этиши мақсадга мувофиқдир.

*Текширув натижалари ва таълим муассасасининг тўлдирилган ўқувчилар рўйхатини Миллий менежерга юбориш зарур.*

### 3.4. Тест жараёнини назорат қилиш ҳақида

Тест ўтказиладиган куни айрим таълим муассасаларида Кузатувчилар иштирок этишади. Уларнинг тест жараёнида қатнашишдан асосий мақсади алоҳида таълим муассасасида тест ўтказиш сифатининг қандай таъминланганлигини кузатишдан иборат. Кузатувчилар таълим муассасаларида тест жараёни ва сўровнома ўтказишда қатнашишади.

Кузатувчи борадиган ҳар қайси таълим муассасаси тасодифий равишда танланади ва уларга кузатувчининг қатнашиши ҳақида тест ўтказилишидан бир неча кун олдин маълумот берилади. ТМ координатори мазкур таълим муассасасасига бориш учун тўсиқ бўладиган ҳар қандай маъмурий муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриши керак. Кузатувчининг бориши билан боғлиқ ҳар қандай масалалар бўйича Миллий менежерга мурожаат қилиш лозим.

# IV БОБ. ТЕСТ ЖАРАЁНИНИ ЎТКАЗИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

## 4.1. Координаторларни тест жараёнини ўтказиш бўйича материаллар билан таништириш ва тест жараёнини ўтказишга тайёрлаш

Барча координаторлар тест жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкил этиладиган машғулотда қатнашишлари шарт. Машғулот давомида Сиз ТМ Координатори сифатида ўзингизнинг мажбуриятингизга оид батафсил ахборотга эга бўласиз. Сиз машғулотдан аввал мазкур қўлланмани ва “Ўқувчиларда тест ўтказиш учун дастурдан фойдаланиш бўйича қўлланма”ни диққат билан ўқиб чиқишингиз ҳамда булар Ҳудудий координатор сўраган бошқа ҳар қандай материаллар билан бирга ўзингизда бўлиши керак.

## 4.2. Тест материалларини олиш, текшириш ва уларнинг конфиденциаллигини таъминлаш

Тест ўтказишдан 1-2-ҳафта олдин Миллий менежер Сизнинг таълим муассасангизга тадқиқот материалларини юборади. Уларни олгач, қуйидагиларни амалга оширинг:

- Тадқиқотни ўтказиш учун барча материалларни қабул қилганингизни текширинг (4.1-жадвалга қаранг).
- Шаклда санаб ўтилган тест ўтказиш материалларидан бирортаси йўқ бўлса ёки улар бузилган тақдирда Миллий менежерга материалларни қабул қилиш шаклини йўлланг (А.иловага қаранг).
- Тест ўтказиш учун USB-ташувчиларни текширинг ва уларни ишончли жойда сақланг.

*4.1- жадвал*

**Тест материалларини назорат қилиш учун рўйхат**

| Қабул қилинди | Материаллар | Миқдори |
|---|---|---|
| □ | Материалларни қабул қилиш шакли (А илова) | 1 |
| □ | Тест жараёни учун USB-ташувчилар | 26 (компьютерлар сонига боғлиқ) + 1 захира |
| □ | *Тест учун танланган ўқувчилар рўйхати* (А илова) | 1 |
| □ | “Ўқувчи ҳақида маълумот” шакли (А илова) | 2 |
| □ | *Тестда иштирок этиш шакли* (А илова) | 1 |
| □ | *Тестни ўтказиш баённомалари* (А илова) | 2 |
| □ | “Таълим муассасаси ҳақида маълумот” шакли (А илова) | 1 |
| □ | Материалларни қайтариб бериш шакли (А илова) | 1 |
| □ | Иштирок этиш коэффициентини ҳисоблаш чизмаси | 1 |
| □ | Маълумотларни овоза қилмаслик ҳақида келишув | 1 |

**Тест материалларининг конфиденциаллигини таъминлаш**

PISA тадқиқоти материаллари келажакда ишлатилиши сабабли конфиденциал ҳисобланади.

Ўқувчиларларда тест ёки сўровнома ўтказилаётган вақтда бошқаларнинг компьютер экранига қарашларига рухсат этилмайди. Таълим муассасаси ўқитувчилари тест материалларини Тест ўтказувчи борлигида ва фақат тест тугагандан сўнг кўришлари мумкин. Бунинг учун Миллий марказ томонидан бериладиган махсус паролдан фойдаланиш ва “Маълумотларни овоза қилмаслик ҳақида келишув”ни имзолаш зарур.

- Тестни ўтказиш учун конфиденциал материаллардан нусха олиш ҳар қандай ҳолатларда ҳам МУМКИН ЭМАС.
- Тест жараёнини видеога олишга йўл қўйилмайди.
- Тест материалларини ўқувчиларнинг телефонга ёки бошқа электрон мосламаларга суратга олишларидан ҳимоя қилишни таъминлаш муҳимдир.

## 4.3. Ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналарни тадқиқот ўтказилишидан хабардор қилиш

PISA тадқиқотлари доирасида тест ўтказилишидан олдин ўқитувчилар, ўқувчилар (тестда иштирок этиш учун танлаб олинган) ҳамда уларнинг ота-оналарига бу ҳақда хабар берилиши зарур.

Таълим муассасаси маъмурияти, ўқитувчилари, ўқувчиларининг PISA тадқиқотида қатнашиш мотивациясини кучайтиришда уларни тадқиқот мақсадлари билан таништириш жуда ҳам муҳимдир.

Компьютерда тест ўтказиш учун “Компьютерлар текшируви натижалари” шаклини тўлдирган ёки мазкур таълим муассасаси компьютер ресурслари билан таниш бўлган, компьютерда тест ўтказишнинг бошланишидаги қисқа вақт оралиғида пароль ёрдамида тизимга кириш ва администратор номидан тест ўтказиш дастурини ишга тушириш кўринишида техник ёрдам кўрсата оладиган мутахассис иштироки талаб этилади.

Шунингдек, ўқувчиларда сўровномалар тестдан кейин дарров ўтказилмаган тақдирда уларни тўлдиришда администратор номидан дастурни ишга тушириш талаб этилганда бундай мутахассис ёрдами керак бўлиб қолиши мумкин.

**ЭСЛАТМА**

*Тест жараёни бошланишидан олдин турли ахборот воситалари (SMS, телеграм ва б.) дан фойдаланган ҳолда ўқитувчилар, ўқувчилар ва ота-оналарни олдиндан хабардор қилиш керак!!!*

| **11-устундаги кодлар изоҳи** |
|---|
| 1- функционал бузилишлар |
| 2 - ривожланишдан ортда қолиш |
| 3 – рус тилини билиш даражаси тадқиқотда қатнашмасликка имкон беради |

| **12-устундаги кодлар изоҳи** |
|---|
| 3 – ўқувчи махсус ёки коррекцион таълим олади |
| 4 – ўқувчи бошқа таълим муассасасига ўтиб кетган |
| 5 – ўқувчи мазкур таълим муассасасига келмаяпти, қаерга ўтиб кетганлиги номаълум |
| n – ўқувчи PISA тадқиқотида қатнашиш мезонларига мос келмайди |

***4.2- жадвал***

## PISA MS тестида қатнашиш учун танлаб олинган ўқувчилар рўйхати(тўлдирилган намуна)

ТМ сони/номи: <u>Тошкент ш., 138-умумий ўрта мактаб</u>

| **(1)** | **(2)** | **(3)** | **(4)** | **(5)** | **(6)** | **(7)** | **(8)** | **(9)** | | **(10)** | **(11)** | **(12)** | **(13)** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Ҳудуд** | **Туман Шаҳар ID** | **ТМ IDси** | **Ўқувчи IDси** | **Танланган рақам** | **Ўқувчининг фамилияси, исми** | **Синф** | **Жинси (а-1; э-2)** | **Туғилган санаси** | | **Ўқитиш дастури** | **Махсус таълим коди** | **Рўйхат дан чиқариш коди** | **Изоҳ** |
| 00 | 01 | 010 | 00004 | 00003 | Муродова Насиба | 10 | 1 | 12 | 2005 | 1 | | | |
| 00 | 01 | 010 | 00009 | 00004 | Ғуломов Рашид | 9 | 2 | 05 | 2005 | 1 | 3 | 3 | |
| 00 | 01 | 010 | 00005 | 00001 | Асилов Илёс | 10 | 2 | 12 | 2005 | 1 | | 4 | |
| 00 | 01 | 010 | 00002 | 00010 | Бўронов Адҳам | 10 | 2 | 10 | 2005 | 1 | | 4 | |
| 00 | 01 | 010 | 00014 | 00005 | Қўзиев Ғайбулла | 10 | 2 | 04 | 2005 | 1 | 3 | | |
| 00 | 01 | 010 | 00008 | 00007 | Камолов Рустам | 10 | 2 | 07 | 2005 | 1 | 1 | 3 | |
| 00 | 01 | 010 | 00011 | 00009 | Туробова Севара | 10 | 1 | 07 | 2005 | 1 | | n | |
| 00 | 01 | 010 | 00013 | 00013 | Йўлчиева Моҳира | 9 6 | 1 | 09 | 2005 | 1 | | | |
| 00 | 01 | 010 | 00001 | 00008 | Мансурова Мадина | 10 | 1 | 04 | 2005 | 1 | | | |
| 00 | 01 | 010 | 00007 | 00002 | Азаров Камол | 10 | 2 | 11 | 2005 | 1 | 1 | | |
| 00 | 01 | 010 | 00020 | 00011 | Баходирова Нигина | 10 | 1 | 12 | ~~2005~~ 2004 | 1 | | n | |
| 00 | 01 | 010 | 00006 | 00006 | Гаипова Азиза | 10 | 1 | 09 | 2005 | 1 | | | |
| 00 | 01 | 010 | 00022 | 00012 | Достонова Васила | 10 | 1 | 08 | 2005 | 1 | 2 | 3 | |

ТМ Координатори Ф.И.Ш.: <u>Имомова В.Ю.</u>

## 4.4. Тест учун танлаб олинган ўқувчилар рўйхатини текшириш ва тузатишлар киритиш

Таълим муассасаси тест топшириш учун танлаб олинган ўқувчилар ҳақидаги барча маълумотларни, масалан, демографик маълумотлар ва ўқитиш дастурини ўз ичига олган, шу муассаса томонидан юборилган “*Ўқувчилар рўйхати”*ни қабул қилиб олади. Қабул қилиб олинган рўйхат текширилиши ва зарур ҳолларда тўлдирилиши, тўғриланиши керак бўлади. *Тест учун танлаб олинган ўқувчилар рўйхати* **4.2-жадвал**да келтирилган. “*Иштирок этиш шакллари”* текширилиши ва зарур ҳолларда тўғриланиши керак.

*1: Ҳар бир иштирокчи ҳақидаги маълумотни текшириш (6-11 устунлар).*

6-11-устунлардаги ҳар бир қатнашчи ўқувчи ҳақидаги маълумотларни текшириш, зарур ҳолларда тузатиш ёки йўқ бўлган маълумотни киритиш зарур: фамилияси ва исми, синф/курси, жинси, туғилган ойи ва йили, ўқитиш дастури ва махсус таълим коди.

*2: PISA тадқиқотида ҚАТНАША ОЛМАЙДИГАН ўқувчиларни аниқлаш (12- устун)* 12-устунда танлаб олинган ўқувчилардан **PISA тадқиқотларида ҳеч бир ҳолатда ҳам қатнаша олмайдиганлар**и белгиланади. PISA тадқиқотларини ўтказишнинг зарур шартларидан бири танлаб олинган барча ўқувчиларнинг тестни ўтказишда МАКСИМАЛ ДАРАЖАДА иштирок этишини таъминлаш саналади. Сиз бу устунга тест ўтказиладиган куни бошқа тадбирларда қатнашган ёки бетоблиги сабабли мактабга кела олмаган ўқувчилар учун код ЁЗМАСЛИГИНГИЗ керак, чунки улар қўшимча тест ўтказишда қатнашишлари мумкин бўлади.

Бироқ айрим ўқувчилар бир қатор сабабларга кўра, тадқиқотда қатнаша олмасликлари мумкин. Бундай сабаблар тест ўтказишга танлаб олинган “*Ўқувчилар рўйхати”*нинг 12-устунида қайд этилади. Қуйида иштирок этмаслик сабабларини белгилашда фойдаланиладиган кодлар келтирилган (4.3-жадвал).

***4.3- жадвал***

**Иштирок этмаслик сабабларини белгилаш учун кодлар**

| |
|---|
| 2 коди – Ўқувчининг ота-онаси PISA тадқиқотида қатнашишга рухсат бермади<br>Ота-оналар ўқувчиларнинг PISA халқаро тадқиқотида қатнашишларига жуда кам ҳолларда рухсат беришмайди. Ота-оналаридан ёзма равишда ариза олинган тақдирда бундай ўқувчиларга 12-устунга “2” коди қўйилади. |
| 3 коди – Ўқувчи махсус ёки коррекцион таълим олаётганлиги сабабли тестни ўтказишда қатнашмаётган бўлса<br>3.4 -жадвалда махсус таълим олаётган ўқувчини тест топшириш учун танлаб олинган ўқувчилар рўйхатидан чиқариш ўринлими ёки йўқми шу бўйича тавсиялар берилган. Ўқувчи рўйхатдан чиқарилган тақдирда 12-устунга “3” коди қўйилади. |
| 4 коди – Ўқувчи бошқа таълим муассасасига ўтиб кетган<br>Агар ўқувчининг бошқа таълим муассасасига ўтганлиги маълум бўлса, у ҳолда 12-устунга “4” коди қўйилади. |

| |
|---|
| 5 коди – Ўқувчи мазкур таълим муассасасига келмаяпти, қаерга ўтиб кетганлиги номаълум<br>Агар ўқувчи мазкур таълим муассасасига келмаётган, қайси таълим муассасасига ўтганлиги номаълум бўлса, у ҳолда 12-устунга “5” коди қўйилади. |
| n коди – Ўқувчи PISA тадқиқотида қатнашиш мезонларига мос келмайди<br>• Агар ўқувчи тадқиқот қамраб олмайдиган синфда ўқиётган бўлса (6-синф ва ундан кичик), у ҳолда 12-устунга “n” коди қўйилади.<br>• Агар ўқувчи тест топшириш гуруҳи ёшига кирмаган бўлса (2002 йилда туғилмаган), у ҳолда 12-устунга “n” коди қўйилади. |

Кодни қўйиш масаласида иккилансангиз, у ҳолда устунни очиқ қолдиринг ва “Изоҳ” устунига қисқа таъриф ёзинг ёки Миллий марказ вакиллари билан боғланинг.

*Махсус таълим олаётган ўқувчиларни қамраб олиш.*

Тажрибалардан маълум бўлишича, махсус таълим олаётган кўпчилик ўқувчилар PISA тадқиқотида иштирок этишлари мумкин. Тест ўтказилгач, ўқувчи баҳо олмайди, бу эса унинг кейинги таълим олишига таъсир кўрсатмайди. Тестда қатнашган барча ўқувчиларнинг натижалари маълумотларга ишлов бериш мобайнида умумлаштирилади.

*4.4- жадвал*

**Махсус ёки коррекцион таълим олаётган ўқувчиларни тест топшириш учун танлаб олинган ўқувчилар рўйхатидан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш юзасидан тавсиялар**

| Рўйхатдан чиқариш сабаби | Рўйхатдан чиқарилмаслиги керак бўлган ўқувчилар | Рўйхатдан чиқарилиши мумкин бўлган ўқувчилар |
|---|---|---|
| Таянч-ҳаракат аппарати ва организмнинг функционал носоғломлиги | Ўқувчи тест саволларига жавоб бера олади<br><br>11-устунга 1 коди қўйилади.<br>12-устун очиқ қолади | Ўқувчи ўзининг жисмоний камчилиги туфайли PISA тестини бажара олмаслиги<br>11-устунга 1 коди қўйилади.<br>12-устунга 3 коди қўйилади |
| Ривожланишдан оғиш | Ўқувчи тест саволларига жавоб бера олиши мумкин. Ўзлаштириши паст ёки хулқи қониқарсиз бўлган ўқувчи рўйхатдан чиқарилмаслиги керак. | Ақлий ёки руҳий ривожланишдан ортда қолган ўқувчи. Тиббий хулосага кўра ривожланишдан ортда қолганлик ташхиси қўйилган. У тест топшириш давомида |

| | | |
|---|---|---|
| | 11-устунга 2 коди қўйилади.<br>12-устун очиқ қолади | асосий кўрсатмаларга амал қила олмайди ва PISA тестини бажара олмайди.<br><br>11-устунга 2 коди қўйилади.<br>12-устунга 3 коди қўйилади |
| Ўзбек тилини етарлича билмаслик | Бир вақтнинг ўзида барча учта мезонга жавоб бермайдиган ўқувчилар рўйхатдан чиқарилмаслиги керак.<br><br>11-устунга 3 коди қўйилади.<br>12-устун очиқ қолади | Қуйидаги барча учта мезонга тўғри келадиган ўқувчиларгина рўйхатдан чиқарилади:<br>- ўзбек тили она тилиси бўлмаган;<br>- ўзбек тилида ўқиш ва ёзишни билмайди (ёки жуда ҳам ёмон ўқий олади ва ёзади)<br>- ўзбек тилида бир йилдан кам вақт давомида таълим олган.<br>11-устунга 3 коди қўйилади.<br>12-устунга 3 коди қўйилади. |

*Рўйхатдан чиқариш кодларини қўллаш бўйича намуналар.*

Қуйида тест ўтказиш учун танлаб олинган “*Ўқувчилар рўйхати”*ни тўлдиришда рўйхатдан чиқариш кодларини қўллаш бўйича намуналар кўрсатилган (3.2-жадвалга қаранг).

•Гуломов Рашид учун 11-устунда “3” коди турибди. У ўзбек тилида 1 йилдан кам вақт давомида таълим олмоқда ҳамда ўзбек тилида жуда ёмон ўқийди ва ёзади. Шунинг учун 12-устунда унга “3” коди қўйилади.

•Асилов Илёс яқиндагина бошқа таълим муассасасига ўтиб кетган, шунинг учун 12-устунда унга “4” коди қўйилади.

•Қўзиев Ғайбулла ўзбек тили она тилиси бўлмаганлиги учун ўзбек тилида таълим олишда қийинчиликларни ҳис қилса-да, аммо 1 йилдан кўп вақт давомида ўзбек тилида таълим олганлиги сабабли уни рўйхатдан чиқариш керак эмас. Шунинг учун 12-устун очиқ қолдирилади. У тестда қатнашиши зарур.

•Камолов Рустам – кўзи ожиз (кўрмайди) ва уйда таълим олади. 11-устунда **“1”** коди турибди, шунинг учун унга 12-устунда **“3”** коди қўйилган.

•Азаров Камолнинг таянч-ҳаракат тизимида бузилишлар бўлишига қарамасдан, у таълим муассасасига келиб ўқийди ва тест ўтказишда қатнашиши мумкин. Шунинг учун унга 11-устунда “1” коди қўйилган бўлишига қарамасдан, 12-устун очиқ қолади. У тестга қўйилади.

•PISA тадқиқоти талабларига мувофиқ икки нафар ўқувчи тестда қатнаша олишмайди. Таълим муассасасида тестда қатнашадиган *ўқувчилар рўйхати* тузилаётганда улар хато киритилган. Таълим муассасаси координатори *ўқувчилар рўйхатидаги тест учун танлаб олинган ўқувчилар* ҳақидаги маълумотни топиб, тўғрилайди:

Йўлчиева Моҳира 6-синфда ўқийди, шунинг учун унга 12-устунда “n” коди қўйилади.

Баходирова Нигина 2005 йилда туғилмаган, шунинг учун унга 12-устунда **“n”** коди қўйилади.

•Достонова Васила ривожланишида оғиш бўлиб, тиббий хулоса билан тасдиқланган. Унинг 11-устунида **“2”** коди турибди, шунинг учун тест топширишда қатнашмайди ва 12-устунга **“3”** коди қўйилади.

**ДИҚҚАТ!**

*PISA тадқиқотида иштирок этадиган ўқувчилар 12-устунига рўйхатдан чиқариш коди ҚЎЙИЛМАГАН ўқувчиларгина PISA тадқиқотида иштирок этишади.*

*Тест учун танлаб олинган ўқувчиларни ҳеч қайси бир шароитда бошқа ўқувчилар билан АЛМАШТИРИБ БЎЛМАСЛИГИни ёдда сақлаш муҳимдир.*

### 4.5. Маъмурият учун сўровномани тўлдиришни назорат қилувчи ва маълумотларни киритувчи шахсга “ТМ ҳақида маълумот” ва “Маъмурият учун Сўровномани тўлдиришга тайёргарлик” шаклларини юбориш тартиби

Таълим муассасаси раҳбари ёки ТМ раҳбари томонидан вазифани бажариш топширилган бошқа шахс маъмурият учун сўровномани онлайн режимда тўлдириши зарур. B. иловада Сизнинг таълим муассасангизга тегишли бўлган статистик маълумотни тўплаш бўйича маъмурият учун сўровномада учрайдиган 9 та саволни ўз ичига олган “Маъмурият учун сўровномани тўлдиришга тайёргарлик” ҳужжати келтирилган. Бу саволларга жавоблар ТМ директори ёки маъмурият учун сўровномани тўлдиришда қатнашадиган бошқа шахс томонидан олдиндан тайёрлаб қўйилиши мумкин. Ҳужжатда қайд этилган маълумотларни раҳбар ёки сўровномани тўлдиришда қатнашадиган шахс онлайн режимда киритади.

Бундан ташқари, B. иловада “Таълим муассасаси маъмуриятида онлайн режимда сўровнома ўтказиш бўйича қўлланма” келтирилган.

ТМ раҳбарларини Миллий марказ томонидан тақдим этилган компьютер тизимига кириш тартиби тавсифланган ахборот материаллари (В. иловага қаранг) билан таъминлаш зарур.

Маъмурият учун сўровномада таълим муассасасининг мавқеи ва асосий характеристикаси ҳақидаги муҳим маълумотлар ўрин олади. Сўровнома ҳар бир таълим муассасаси томонидан тўлдирилиши ва унинг тўлдирилиши назорат қилиниши муҳимдир. Агар бу иш ҳали амалга оширилмаган бўлса, масъул шахсга уни тўлдириш зарурлигини эслатиб қўйинг.

### 4.6. Тест жараёнини ўтказиш кодлари билан танишиш

Таълим муассасасида ўтказиладиган ҳар бир тест турининг ўзига хос иккита белгили коди бўлади. Бу код "*Иштирок этиш шакли*"ва "*Тест ўтказиш баённомаси*"га ёзиб қўйилади. Код 11 дан 87 гача белгиланиши мумкин. Тест ўтказиш кодлари олинган натижаларни таҳлил қилишда қўлланилишини инобатга олган ҳолда, уларни тўғри ёзиш жуда муҳимдир.

Шу муносабат билан бу кодлардан фойдаланиш тизими билан олдиндан танишиш зарурдир.

| Тест ўтказиш босқичлари |
|---|
| • Алоҳида босқичлар:<br>- тест ўтказиш;<br>- ўқувчиларда сўровнома ўтказиш (агар тестдан кейин дарҳол ўтказилмаган бўлса);<br>- қўшимча тест ўтказиш. |
| • Агар тест жараёнида жуда кам ўқувчи қатнашган бўлса, қўшимча тест ўтказиш талаб этилади. IV бобда қўшимча тест ўтказиш масалалари атрофлича муҳокама қилинади. |
| • Ҳар бир алоҳида босқич, шунингдек, қўшимча тест ўтказиш учун "*Иштирок этиш шакли*" ва тестни ўтказиш баённомаси тўпламидан алоҳида фойдаланиш зарурдир. Таълим муассасаси тест учун танлаб олинган ўқувчиларни битта бинога жойлаштиришга имкони бўлмаган ҳолатни кўриб чиқамиз. Бунда тестга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича мутахассис ўқувчиларни иккита гуруҳга ажратиши мумкин. Агар тест бир вақтнинг ўзида ўтказиладиган бўлса, тестни ўтказадиган бошқа мутахассис иккинчи гуруҳда тест ўтказиши мумкин ёки тест кейинроқ ўтказиладиган бўлса, айнан ўша мутахассис биринчи гуруҳ ишни тугатгач, тестни иккинчи гуруҳда ўтказади. Тест бошқа мутахассис томонидан параллел ўтказилса ёки биринчи гуруҳдан кейин иккинчи гуруҳда тест ўтказилса, ҳар қайси ҳолатда ҳам "*Иштирок этиш шакли*"нинг қўшимча нусхасини олиб қўйиш керак бўлади. Тест ўтказишнинг ҳар бир босқичи ўқувчилар битта "*Иштирок этиш шакли*"га киритилган бўлишларига қарамасдан, ўзининг махсус тест ўтказиш кодига эга бўлади. |
| • Агар ўқувчиларни иккита гуруҳга ажратишга зарурат туғилса, буни "*Иштирок этиш шакли*"га мувофиқ ҳолда амалга ошириш қулай бўлади: тест топширишнинг биринчи босқичига ўқувчиларнинг биринчи ярми олинса, иккинчи босқичда ўқувчиларнинг иккинчи ярми билан ишни бошлаш мумкин. |

**Тест жараёни кодининг биринчи рақами: Тест ўтказувчининг рақами.** Бу коднинг биринчи рақами *тест ўтказувчи*нинг рақамини билдиради. Агар таълим муассасасида бир нафар *тест ўтказувчиси* бўлса, у ҳолда барча

ўтказиладиган тестларнинг иккита рақамли коди “1” рақами билан бошланади. Агар тест ёки сўровнома бир неча *тест ўтказувчи*лар томонидан амалга оширилса, биринчи *тест ўтказувчи* учун код “1” рақами билан бошланади, иккинчиси учун “2” ва ҳ.к.

**Тест жараёни кодининг иккинчи рақами: тест жараёни ёки сўровнома ўтказиш босқичи идентификатори.** Коднинг иккинчи рақами мазкур ўтказувчи олиб борадиган тест босқичининг идентификаторини англатади.

Тест босқичи идентификаторлари 11 дан 87 гача бўлиши мумкин.

Тест ўтказиш кодларини қўйиш учун қуйидаги амалларни бажариш керак:

- таълим муассасасида ўтказиладиган барча тест босқичларининг рўйхатини тузиш;
- қайси мутахассис 1 рақами, қайсиси эса 2 рақами билан белгиланишини аниқлаш;
- Сиз ёки бошқа *тест ўтказувчи* олиб борадиган ҳар қайси тест босқичи учун идентификаторни ёзиб қўйиш.

Масалан: 1-рақам билан *тест ўтказувчи* танлаб олинган ўқувчиларнинг ярмида тест ва қўшимча тест ўтказади. 2-рақам билан *тест ўтказувчи* ўқувчиларнинг қолган ярмида тест ўтказади.

4.5-жадвалда бундай ҳолатда тест ўтказиш кодини қандай белгилаш мумкинлиги кўрсатилган.

*4.5-жадвал*

**Тест ўтказиш кодини белгилаш**

| **Тест тури** | **1-рақам билан *тест ўтказувчи* учун тест ўтказиш сессияси коди** | **Тест тури** | **2-рақам билан *Тест ўтказувчи* учун тест ўтказиш сессияси коди** |
|---|---|---|---|
| Тест ўтказиш (50% ўқувчилар) | **11** | Тест ўтказиш (50% ўқувчилар) | **21** |
| Қўшимча тест ўтказиш | **12** | - | **-** |

## 4.7. USB-ташувчилар ва “Ўқувчи ҳақида маълумот” шаклини тайёрлаш

**USB-ташувчиларни тайёрлаш ва текшириш.** Баъзан USB-ташувчилар бузилган бўлиши мумкин. Шу сабабли ҳар бир USB-ташувчини ўқувчиларда тест ўтказишдан олдин текшириб кўриш муҳимдир. USB-ташувчиларни текшириб кўриш учун “Ўқувчиларда тест ўтказиш учун дастурлардан фойдаланиш бўйича қўлланма”да келтирилган кўрсатмаларга амал қилинг.

**“Ўқувчи ҳақида маълумот” шаклини тайёрлашни қуйидагича амалга оширинг:**

•“Ўқувчи ҳақида маълумот” шаклини мазкур таълим муассасаси учун мўлжалланганлигини текшириб кўриш зарур. Иштирок этиш шаклида чоп этилган ўқувчиларнинг идентификаторлари ва пароллари “Ўқувчи ҳақида маълумот” шаклларидаги маълумотлар билан аниқ мос келиши шартдир.

•Иштирок этиш шаклига мос ҳолда “Ўқувчи ҳақида маълумот” шаклида “1”дан бошлаб кетма-кет ўнг юқори бурчакда рақам қўйинг. Бу “Ўқувчи ҳақида маълумот” шаклини ҳисоблашда ёрдам беради.

•Иштирок этиш шаклида кўрсатилган биринчи ўқувчини топиб, Сиз рақам қўйган “Ўқувчи ҳақида маълумот” шаклида ҳам шу ўқувчига айнан ўша парол қўйилганини текширинг.

•Тест топширишда қатнашиши керак бўлмаган ҳар бир ўқувчининг “Ўқувчи ҳақида маълумот” шаклида “Иштирок этмайди” деб ёзиб қўйинг.

•“Ўқувчи ҳақида маълумот” шаклида “Иштирок этмайди” деган ёзув бўлган барча қатнашмайдиган ўқувчиларга Иштирок этиш шаклида “0” деб ёзиб қўйинг. (Булар шундай ўқувчиларки, уларнинг тестда қатнашиши кутилмайди).

## 4.8. Тест материалларини сақлаш ва конфиденциаллигини таъминлаш

Таълим муассасасида тестни ташкил этиш ва уни ўтказишга масъул шахс тадқиқотни ўтказиш мобайнида тест материалларининг хавфсизлиги ва сақланишини таъминлаши зарур. Бу тест натижаларининг ишончлилиги ва валидлигини таъминлашда жуда муҳимдир.

## 4.9. Тест жараёнини ўтказиш режасини тайёрлаш

Тест ўтказишдан олдин тахминан 1-2 ҳафта давомида қуйидагиларни ниҳоясига етказиш керак бўлади:

•тест ўтказиш санаси, вақти ва жойини келишиб олиш ва ҳар қандай ўзгаришлар ҳақида манфаатдор шахсларни огоҳлантириш;

•тест ўтказилиши режалаштирилаётган биноларни олдиндан банд қилишни таъминлаш;

•тест ўтказиш учун танлаб олинган ўқувчилардан тестга ручка, қалам, ўчирғич ва калькулятор олиб келишларини сўраш;

•юқорида санаб ўтилганларни олиб келмайдиганлар учун қўшимча материалларни тайёрлаб қўйиш;

• белгиланган вақтдан олдин тестни тугатадиган ўқувчилар ўқишлари учун китоблар ёки журналлар билан таъминлаш;

•зарур ҳолларда таълим муассасаси ходимлари томонидан тест ўтказиш жараёнида ёрдам ташкил қилиниши;

•таълим муассасаси АКТ мутахассиси томонидан компьютерда тест ўтказишдан олдин ёрдам ташкил қилиш (тизимга кириш, администратор ҳуқуқи билан тест ўтказиш дастурини ишга тушириш);

•Иштирок этиш шакли ва тест учун танлаб олинган ўқувчилар рўйхатига зарур ўзгаришларни киритишни давом эттириш;

•рўйхатдан чиқариш ҳақидаги қўшимча маълумотлар билан танишиш ва зарур ҳолларда тест учун танлаб олинган ўқувчилар рўйхатида уларни янгилаш;

•агар Сизнинг таълим муассасангиз Кузатувчининг келиши учун танлаб олинган бўлса, у билан тест ўтказиш жараёнини муҳокама қилиш керак;

•шунингдек, қуйидаги масалаларни кўриб чиқиш керак бўлади:

- тест топширишга кеч қолган ва унга қўйилмайдиган ўқувчиларга нисбатан ҳаракатлар тартиби;

- тест топшириш вақтида ўзини ёмон ҳис қилаётган ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган вазиятлардаги ўқувчиларга нисбатан ҳаракатлар тартиби;

- турли сабабларга кўра вақтинчалик тестни ташлаб кетиш зарурияти туғилган ўқувчиларга нисбатан ҳаракатлар тартиби;

- тест топширгандан кейин ўқувчиларни қўйиб юбориш тартиби;

- тест ўтказиш жараёнини бўлиб қўя оладиган турли хил режалаштирилган тадбирлар (масалан, ўқув фавқулодда вазиятлар).

### 4.10. Тест жараёнини ўтказиш вақтида барча босқичларда қатнаша оладиган қўшимча ходимларнинг ишини ташкил этиш

(агар имкони бўлса)

Тестни ўтказувчига мазкур ТМ ходимларидан ёрдамчилар керак бўлади. Булар орасида компьютерда тест топшириш жараёни бошланишида тизимга киришга кўмак берадиган АКТ-мутахассиси бўлиши зарур. Тест ўтказувчи ва унинг ёрдамчилари тизимга кириш ҳамда дастурий таъминотни ишга туширишни билишлари шарт.

Махсус тайёргарликдан ўтмаган таълим муассасаси ходимларига тест жараёнини ўтказиш ва тест ёки сўровнома юзасидан ўқувчилар томонидан бериладиган саволларга жавоб беришга рухсат этилмайди, фақат *тест ўтказувчи* бундай саволларга жавоб бериши мумкин.

### 4.11. Тест жараёнини ўтказиш учун зарур бўладиган материалларни тайёрлаш

Барча зарур материаллар тест ўтказиладиган кунга тайёр бўлиши керак. Тест ўтказишга қуйидаги материаллар керак бўлади:

•ТМ учун папка, унда тест ўтказилгандан кейин тўлдирилган шаклларнинг нусхалари сақланади;

•ТМ конверти, унда тест ўтказилгандан кейин тўлдирилган шаклларнинг асл нусхалари йиғилади;

•тест ва сўровнома ўтказиш тартиби ҳамда мазкур қўлланма;

•ўқувчиларда тест ўтказиш учун дастурдан фойдаланиш бўйича қўлланма;

•тест учун танлаб олинган "*Ўқувчилар рўйхати*"нинг асли ва нусхалари;

•"*Иштирок этиш шакли*"нинг асли ва нусхалари;

•тестни ўтказиш баённомалари;

•иштирок этиш коэффициентини ҳисоблаш чизмаси;

- тест ўтказиш учун USB-ташувчилар;
- “Ўқувчи ҳақида маълумот”;
- соатлар;
- етарли миқдорда ручка, қалам, ўчирғич, калькулятор, тест ўтказилаётган хоналарнинг эшигига ёпиштириш учун “тест ўтказилмоқда” ёзуви ва бошқа канцелярия қуроллари.

### 4.12. Тест ўтказувчини тест жараёни ва сўровнома ўтказиш тартиби ҳамда ўқувчиларнинг сўровномалари изоҳлари билан таништириш

Тест ўтказувчи тестни ўтказиш бўйича тартибга қатъий амал қилиши муҳимдир. Бу эса тестни ташкил этадиган ва ўтказадиган барча мамлакатлардаги мутахассисларнинг тадқиқотни бир хилда олиб боришлари учун зарурдир.

Тест ўтказувчи ўқувчиларда сўровнома ўтказиш жараёнида сўровноманинг муайян пунктлари бўйича иштирокчиларнинг саволларига жавоб беришига тўғри келиши мумкин. Ўқувчиларда сўровнома ўтказишнинг турли жиҳатларига боғлиқ бўлган ҳолда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишда тартибда Сизга ёрдам сифатида изоҳлар келтирилган .

Тест ўтказиладиган кунга қадар изоҳлар билан танишиб чиқинг. Тест ўтказувчи ўқувчиларнинг саволларига жавоб беришда улардан фойдаланиши зарур, чунки барча мамлакатлардаги ўқувчилар сўровнома саволларига қандай жавоб беришлари ҳақида бир хил ахборотга эга бўлишлари керак.

# V БОБ. ТЕСТ ЖАРАЁНИНИ ЎТКАЗИШ

Тест ўтказувчилар “Тадқиқотни ўтказиш бўйича қўлланма”, “Ўқувчиларда тест ўтказишда дастурдан фойдаланиш бўйича қўлланма” ва бошқа ҳужжатларда келтирилган барча ишларни қандай амалга оширишни билишлари ва тушунишлари муҳимдир. Бирор бир масалага ойдинлик киритишга зарурат туғилганда, Миллий менежерга мурожаат қилинг.

## 5.1. Тест жараёнини ўтказиш учун бино ва материалларни тайёрлаш

Қуйида бинони тест ўтказишга тайёрлаш бўйича тавсиялар келтирилади:

- танлаб олинган барча ўқувчиларга компьютерлар етишига ишонч ҳосил қилинг;
- тест ўтказиш учун ишлатиладиган материалларни тайёрлаб қўйинг;
- компьютерни ишга тушириб, тизимга киринг. Бунинг учун ТМнинг АКТ-мутахассиси ёки бошқа ходим ёрдами керак бўлиб қолиши мумкин;
- ҳар бир компьютерга USB-ташувчини ўрнатинг ва PISA иловасини ишга туширинг;
- Миллий марказ томонидан тақдим этилган паролни киритинг. “1-қисм. PISA тестини ўтказиш” тугмасини босинг;
- агар бинода математика ва табиий фанларга оид жадваллар каби ўқув материаллари бўлса, уларни олиб қўйинг ёки беркитиб қўйинг;
- кузатувчилар учун материалларнинг конфиденциаллиги ҳақидаги “Маълумотларни овоза қилмаслик ҳақида келишув” ҳужжатини тайёрлаб қўйинг.

## 5.2. Тест жараёнини ўтказишнинг муҳим жиҳатларини кўриб чиқиш

**Вақтни тақсимлаш.** Тест ўтказиш учун вақтни тақсимлаш 2.1-жадвалда келтирилган.

**Тест жараёнини ўтказишнинг кечишини кузатиш.** Тест ўтказувчининг мажбуриятига тест жараёнининг кечишини кузатиш ва тартиб-интизомни сақлаш киради. Тест ўтказиш жараёнини стандартлаштиришни таъминлаш учун қуйидагиларга қатъий амал қилинишига алоҳида эътибор қаратиш лозим:

**Тест материалларининг конфиденциаллигини таъминлаш.** Тест ўтказувчилар тест материалларининг конфиденциаллигини таъминлаш мақсадида жуда эътиборли бўлишлари шарт. Камераси бор бўлган мобил телефонлар ва бошқа электрон мосламалардан фойдаланувчилар сонининг ортиши билан боғлиқ вазият шуни тақозо қилади. Тест ўтказиш тартибига ўқувчиларга қаратилган қуйидаги матн киритилган: “Мобил телефонингиз ёки бошқа электрон мосламаларингизни ўчириб қўйинг, илтимос. Тадқиқотнинг ҳар қандай қисми давомида суратга олиш ёки ёзиб олиш таъқиқланади. Агар сиз калькулятор олиб келган бўлсангиз, ундан бошқа барча нарсаларни стол устидан олиб қўйинг”.

Тест ўтказувчи таълим муассасасида тадқиқот ўтказилиши мобайнида тест материалларининг барчаси тўлиқ бўлишини таъминлашга жавоб беради. Қуйида келтирилган кўрсатмаларга амал қилиниши керак:

•USB-ташувчилар ва бошқа конфиденциал материалларни ҳеч қачон назоратсиз қолдирманг. Агар Сиз босқичлар орасида аудиториядан чиқиб кетсангиз, материалларни ўзингиз билан олиб кетинг ва уларни ишончли жойга қўйинг. Агар Сиз аудиториядан чиқишга мажбур бўлсангиз, материалларни ўзингиз билан олиб кетинг ёки Ёрдамчингиздан уларга қараб туришини сўранг. Таълим муассасаси ходимларини тест материаллари билан ёлғиз қолдирманг.

•Тест учун танлаб олинган *"Ўқувчилар рўйхати"*да фамилияси қайд этилган ўқувчиларгина тест топширишлари мумкин. Рўйхатга киритилмаган ўқувчилар тестга қўйилмайди ва уларнинг тест топшириқларини кўриб чиқишларига рухсат этилмайди.

•Агар USB-ташувчи йўқлиги маълум бўлиб қолса, уни топиш зарур. Агар уни топишнинг уддасидан чиқилмаса, Миллий менежерга бу ҳақда имкон қадар тезроқ хабар бериш керак.

•Тест ўтказувчи тестни ўтказишга тайёргарлик кўриш давомида "Маълумотларни овоза қилмаслик ҳақида келишув" ҳужжатини имзолайди ҳамда ишлатилган ва ҳали фойдаланилмаган тест материалларининг конфиденциаллигини таъминлайди.

**Тестни ўтказишда ўқувчиларнинг давомати.** Тест жараёнида топшириқларни бажариш бўйича йўл-йўриқлар қуйида келтирилган:

• Агар ўқувчи тест топширишга 5-10-дақиқа кеч қолса, у тестга қўйилади, ўқувчи 10 дақиқадан ортиқ кеч қолса, у тестга қўйилмайди, чунки ўқувчининг тестни тугатишга вақти етмайди. Бироқ, кеч қолган ўқувчининг тестни топшириши кераклиги ҳақида қарор қабул қилинса, ўқувчига "Тест ўтказиш" устунида "қисман иштирок этган" - 2 коди қўйилади ва барча ўқувчилар билан биргаликда тестнинг 2-бўлимини бажаришга киришади.

• Ўқувчиларга узрли сабаб мавжуд бўлса, тест жараёнида танаффус олишга рухсат берилади.

• Агар ўқувчи тест топшириш жараёнида 10 дақиқадан кўп вақт давомида йўқ бўлса, у "қисман иштирок этган" деб белгиланади. Ўқувчига "Тест ўтказиш" 9-устунда "2" коди қўйилади. Агар ўқувчи сўровнома ўтказиш жараёнида 10 дақиқадан кўп вақт давомида йўқ бўлса, унга "Сўровнома ўтказиш" 10-устунда "2" коди қўйилади.

• 4.1.жадвалда келтирилган намунада ID 00032 ўқувчига тест ўтказиш жараёнида 10 дақиқадан кўп вақт давомида йўқ бўлганлиги сабабли қисман қатнашган сифатида "2" коди қўйилган. Бироқ бу ўқувчи сўровнома ўтказилишининг бошланишида қайтиб келиб, унинг тугагунига қадар қатнашганлиги сабабли "Сўровнома ўтказиш" 10-устунда унга "1" коди қўйилган.

*5.1- жадвал*

## Ўқувчиларнинг иштирокини қайд этиш намунаси

## PISA-НАМУНА тестини ўтказишда ўқувчиларнинг иштирокини қайд этиш шакли (асосий тадқиқот)

**ТМ №/номи:** Тошкент ш., 138-сонли мактаб тест жараёни коди: 11
Сана: Тест ўтказиш санаси
Тест Ўтказувчининг Ф.И.Ш.: Саломова Ёдгора Солиевна

9-,10-устунлардаги кодлар изоҳи:
0-қатнашмаган
1-қатнашган
2-қисман қатнашган

| | **ТМ ҳақида маълумот** | | | **Ўқувчилар ҳақида маълумот** | | | | **Тестда иштирок этиш** | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **(1)** | **(2)** | **(3)** | **(4)** | **(5)** | **(6)** | **(7)** | **(8)** | **(9)** | **(10)** | **(11)** | **(12)** |
| **SUB ID** | **Ҳуд уд** | **Туман шаҳар ID** | **ТМ IDси** | **Ўқувчининг IDси** | **Ўқувчининг фамилияси, исми** | **Синф/ курс** | **шакл** | **Тест ўтказиш** | **Сўров-нома ўтказиш** | **Изоҳ[1]** | **Пароль** |
| 2001 | 00 | 01 | 007 | 00011 | Муродова Насиба | 10 | 32 | **0** | **0** | | 11458-324-675 |
| 2002 | 00 | 01 | 007 | 00034 | Гуломов Рашид | 9 | 46 | **0** | **0** | | 20227-463-536 |
| 2003 | 00 | 01 | 007 | 00077 | Асилов Илёс | 10 | 45 | **1** | **1** | | 36417-452-547 |
| 2004 | 00 | 01 | 007 | 00051 | Бўронов Адҳам | 10 | 48 | **0** | **0** | | 60608-481-518 |
| 2005 | 00 | 01 | 007 | 00017 | Қўзиев Ғайбулла | 10 | 44 | **0** | **0** | | 11842-443-556 |
| 2006 | 00 | 01 | 007 | 00013 | Камолов Рустам | 10 | 38 | **0** | **0** | | 60739-384-615 |
| 2007 | 00 | 01 | 007 | 00060 | Туробова Севара | 10 | 43 | **1** | **1** | | 56321-434-665 |
| 2008 | 00 | 01 | 007 | 00020 | Йўлчиева Моҳира | 9 ~~6~~ | 33 | **0** | **0** | | 07171-334-665 |
| 2009 | 00 | 01 | 007 | 00074 | Мансурова Мадина | 10 | 39 | **1** | **1** | | 36609-393-606 |
| 2010 | 00 | 01 | 007 | 00008 | Азаров Камол | 10 | 43 | **1** | **1** | | 4619-434-565 |
| 2011 | 00 | 01 | 007 | 00065 | Баходирова Нигина | 10 | 38 | **0** | **0** | | 57281-382-617 |
| 2012 | 00 | 01 | 007 | 00032 | Гаипова Азиза | 10 | 40 | **2** | **1** | 30 дақиқа йўқ бўлган | 19843-401-598 |
| 2013 | 00 | 01 | 007 | 00042 | Достонова Васила | 10 | 47 | **0** | **0** | | 32129-473-526 |

[1]Агар ўқувчи қисман йўқ бўлган бўлса, у ҳолда бу устунда вақт давомийлиги кўрсатилади.

**Тест ўтказиш жараёнида техник носозликлар юзага келганда ишлатиладиган кодлар**

Қуйида тест ўтказиш жараёнида техник носозликлар юзага келганда ўқувчиларнинг статусини белгилаш учун ишлатиладиган кодлар тавсифланади:

- Тест жараёни бошланмаган ва ўқувчилар компьютерга ўтиришмаган. Битта ўқувчига компьютер етмай қолган бўлса, бу ўқувчига иштирок этиш шаклида “0” (қатнашмади) коди қўйилади. Бу ўқувчини қўшимча тест топширишга (агар режалаштирилаётган бўлса) таклиф этса бўлади.
- Тест жараёни бошланмаган ва ўқувчилар компьютерга ўтиришган, аммо тестни бажаришга киришишмаган. 20 нафар ўқувчи 20 та компьютерда ўтирибди. Тест бошланишидан олдин битта компьютер ишдан чиқиб қолганлиги сабабли тестда қатнаша олмаган ўқувчига “0” (қатнашмади) коди қўйилади. Бу ўқувчини қўшимча тест топширишга (агар режалаштирилаётган бўлса) таклиф этса бўлади.
- Тест жараёни бошланган ва ўқувчилар тестни бажаришга киришишган. Бир нафар ўқувчининг компьютери ишдан чиқиб қолса, бу ўқувчига “2” (қисман қатнашди) коди қўйилади. Бу ўқувчи қўшимча тест топширишда (агар режалаштирилаётган бўлса) қатнаша олмайди.
- Тест топшириш жараёни бошланган ва ўқувчилар тестни бажаришга киришишган. 20 нафар ўқувчи 20 та компьютерда ўтирибди. Бир нафар ўқувчи кечикиб келди, унга “0” (қатнашмади) коди қўйилади. Бу ўқувчини қўшимча тест топширишга (агар режалаштирилаётган бўлса) таклиф этса бўлади.

*Ўқувчилар билан ўзаро муносабатлар.*

- Тест топшириқларига жавоб беришда ўқувчиларга ёрдам бериш МУМКИН ЭМАС. Агар ўқувчи тест жараёнида топшириқни қандай бажариш юзасидан савол берса, унга қуйидагича жавоб қайтаринг: “Қўлланма билан қайтадан танишиб чиқинг ёки “Ёрдам” тугмасидан фойдаланинг ва ишни имкон қадар яхшироқ бажаришга ҳаракат қилинг”. Бироқ тест ўтказувчи сўровнома устида иш олиб бораётган вақтда ўқувчиларга тушунарсиз бўлган ҳар қандай саволга аниқлик киритиши ва уларнинг саволларига жавоб бериши мумкин.
- Тест жараёнида юзага чиққан техник ва бошқа муаммоларни ҳал қилишда Ўқувчилардан тест олишда дастурдан фойдаланиш бўйича қўлланмадан фойдаланинг.
- Тест жараёнида юзага чиққан муаммоларнинг барчаси ва ўқувчиларнинг саволлари *Тестни ўтказиш баённомаси*да белгиланади.
- Агар тест топширувчилар белгиланган вақтдан олдин ишни тугатишса, у ҳолда тестдан чиқиб кетмасдан, ўз ишлари билан машғул бўлишлари
- мумкин (масалан, уй вазифасини тайёрлаш ёки китоб, журнал ўқиш).

**Махсус ёки коррекцион таълим олаётган ўқувчилар.**

•Тадқиқотда танлаб олинган ўқувчиларнинг имкон қадар кўпи иштирок этишлари муҳимдир. Мазкур қўлланмада махсус ёки коррекцион таълим олаётган ўқувчиларни аниқлаш принциплари келтирилган.

***Кузатувчиларнинг бўлиши****(жараёнга жалб этилган кузатувчилар ҳам фото ёки видеога олиш мобил телефондан фойдаланиши тақиқланади)*

•Тест жараёнида бегоналарнинг бўлиши мумкин эмас. Бунда Тест ўтказувчи ёки унинг ассистенти, ТМ Координатори, Кузатувчи ёки таълимни бошқарувчи ҳудудий органлар ёки Миллий марказ вакили бўлишига рухсат этилади.

•Тадқиқот сифати ва унинг натижалари ишончлилигини ошириш учун тест материалларининг сақланишини таъминлаш зарур. Тест топшириқларидан нусха кўчирилиши, шунингдек, тест жараёнида сурат ёки видеога олишга ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ.

•Кузатувчилар ҳам худди ТМ ходимлари каби “Маълумотларни овоза қилмаслик ҳақида келишув”ни имзолайдилар.

## 5.3. Тестни ўтказиш (асосий жиҳатлар)

Тест ўтказувчи тест ва сўровнома ўтказиш бўйича тартибга қатъий риоя қилиши зарур . Қуйида асосий жиҳатлар келтирилган:

•Агар таълим муассасасида бир нечта тест босқичи ўтказиладиган бўлса, ҳар бир ўқувчи ўз жойида эканига ишонч ҳосил қилинг.

•Тест материалларини суратга ва видеога олмасликлари учун ўқувчиларни кузатинг.

•Тартибни сўзма-сўз ўқинг. Барча мамлакатларда тадқиқотнинг бир хилда ўтказилиши жуда муҳимдир.

•Агар сўровнома ўтказиш жараёнида ўқувчиларда саволлар туғиладиган бўлса, у ҳолда ўқувчиларда сўровнома ўтказишнинг турли жиҳатларига алоқадор бўлган, тушунтиришлардан фойдаланинг.

•Ўқувчиларни қўйиб юборишдан аввал уларга ўзингиз берган USB-ташувчилар ва материалларни (калькуляторларни ҳам) санаб олинг.

## 5.4. Қўшимча тест жараёнини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилиш

PISA тадқиқоти тест жараёнида ўқувчиларнинг иштирок этиш фоизи юқори бўлиши талаб этилади. Агар асосий тест жараёнида иштирок этадиган ўқувчиларнинг катта қисми қатнашмаган бўлса, у ҳолда улар учун қўшимча тест ўтказилиши зарур.

Қўшимча тест ўтказиш бўйича қарор қабул қилиш учун А иловасида келтирилган иштирок этиш коэффициентини ҳисоблаш чизмасидан фойдаланилади (5.2-жадвал).

*5.2-жадвал*

**Иштирок этиш коэффициентини ҳисоблаш чизмаси (тўлдирилган намуна)**

<table>
<tr><td colspan="3">Таълим муассасаси IDси: <u> 0100100</u><br>№/ТМ номи: <u>Тошкент ш., 138-умумий ўрта мактаб</u><br>Тест жараёни коди: <u>11</u></td></tr>
<tr><td>1-босқич</td><td>Иштирок этиш шаклининг “Тест жараёни” 9-устунда келтирилган маълумотлардан фойдаланиб, тестда қатнашмаган ўқувчилар сонини аниқланг (0 “қатнашмаган” коди)<br><br>Бу рақамни жадвалга киритинг<br>1-босқич натижаси</td><td><table><tr><td rowspan="2">1-босқич натижаси</td><td>Иштирок этмаётган ўқувчилар сони</td></tr><tr><td>8</td></tr></table></td></tr>
<tr><td>2-босқич</td><td>Ўқувчилар рўйхатининг “Рўйхатдан чиқариш” 12-устундаги маълумотлардан фойдаланиб, тест учун танлаб олинган ўқувчилар орасидан рўйхатдан чиқарилганлар сонини ҳисобланг (2, 3, 4, 5 ва n)</td><td><table><tr><td rowspan="2">2-босқич натижаси</td><td>Рўйхатдан чиқарилган ўқувчилар сони</td></tr><tr><td>6</td></tr></table></td></tr>
<tr><td>3-босқич</td><td>Ўқувчилар рўйхатида жами қанча ўқувчи тест учун танлаб олинганлигини ҳисобланг</td><td><table><tr><td rowspan="2">3-босқич натижаси</td><td>Тест учун танлаб олинган, Ўқувчилар рўйхатида келтирилган ўқувчилар сони</td></tr><tr><td>52</td></tr></table></td></tr>
<tr><td>4-босқич</td><td>Ҳисобланг:</td><td></td></tr>
</table>

<table>
<tr>
<td rowspan="1"></td>
<td>1-босқич натижаси - 2-босқич натижаси<br>Бу босқичда қўшимча тест жараёнида иштирок эта оладиган ўқувчилар сони ҳисоблаб чиқилади</td>
<td><table><tr><td rowspan="2">4-босқич натижаси</td><td>1-босқич натижаси - 2-босқич натижаси</td></tr><tr><td>8-6=2</td></tr></table></td>
</tr>
<tr>
<td rowspan="2">5-босқич</td>
<td>4-босқичда олинган сон 1 дан юқорими?<br>Йўқ →</td>
<td>Қўшимча тест ўтказишга ҳожат ЙЎҚ. Тест жараёнида қатнашмаётган ўқувчилар сони ниҳоятда кам (0 ёки йўқ)</td>
</tr>
<tr>
<td>Ҳа →</td>
<td>6-босқичга ўтинг</td>
</tr>
<tr>
<td>6-босқич</td>
<td>Ҳисобланг:<br>(1-босқич натижаси/3-босқич натижаси)х100</td>
<td><table><tr><td rowspan="2">6-босқич натижаси</td><td>1-босқич натижаси/ 3-босқич натижаси</td></tr><tr><td>(8/52)х100=15%</td></tr></table></td>
</tr>
<tr>
<td rowspan="2">7-босқич</td>
<td rowspan="2">6-босқичда олинган натижа 10% га тенг ёки ундан кўпми?<br>Йўқ →<br>Ҳа →</td>
<td>Қўшимча тест ўтказишга ҳожат ЙЎҚ.</td>
</tr>
<tr>
<td>Қўшимча тест ўтказиш зарур</td>
</tr>
</table>

## VI БОБ. ТЕСТ ЖАРАЁНИНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ

## 6.1. Тест материалларини йиғиш

Тест жараёни якунлангач, папкага жойлаш олдидан қуйидаги материалларнинг тайёрлигини текшириш зарур.

**Тест учун танлаб олинган “Ўқувчилар рўйхати”ни текшириш:**

- Барча устунларнинг тўлдирилганлиги, шунингдек, зарур ҳолларда изоҳлар берилганлигини текширинг.

**Иштирок этиш шаклини текшириш:**

- Агар тест жараёни ва сўровнома бир неча марта ўтказилган бўлса, ҳар бир жараён учун алоҳида “*Иштирок этиш шакли*”дан фойдаланилиши зарур.
- “Тест жараёни” ва “Сўровнома” устунларида ҳар бир ўқувчининг иштирок этиш статуси тўғри ёзилганлигини текширинг.
- Барча нусхаларни бирга текшириб кўринг.

Таҳлил қилинадиган барча маълумотлар имкон қадар аниқ ва тўлиқ бўлиши муҳимдир. Тўлдирилмаган ёки ноаниқ маълумотлар берилганлиги аниқланганда шакллар тўғриланиши зарур.

## 6.2. Қўшимча тест ўтказиш (зарур ҳолларда)

Қўшимча тест ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда иштирок этадиган ўқувчилар сони максимал бўладиган санани танлаш зарур. Қўшимча тест жараёни имкон қадар асосий тест жараёни амалга оширилган ҳафтада ўтказилиши керак. Бунда қўшимча тест жараёнида қатнаша оладиган барча ўқувчилар қамраб олиниши зарур. Миллий менежер режалаштирилаётган қўшимча тест жараёни ҳақида хабардор қилиниши керак. Чунки асосий тест жараёнини ўтказувчи бошқа кунга белгиланган қўшимча тест жараёнида қатнаша олмаган тақдирда, Миллий менежер қўшимча тест жараёнини ўтказишни ташкил эта олиши керак.

Эътибор беринг, қўшимча тест жараёнини ўтказиш учун Сизга “*Иштирок этиш шакли*”ва“*Тестни ўтказиш баённомаси*”дан таркиб топган тўплам керак бўлади. “*Тестни ўтказиш баённомаси*”нинг тўлдирилмаган шакли ва “*Иштирок этиш шакли*”аслидан нусхалар ҳамда тест жараёнининг муайян кодини кўрсатиш керак бўлади.

Қўшимча тест жараёнида ҳам худди асосий тест жараёнини ўтказгандагидек амалларни бажариш зарур бўлади.

| |
|---|
| *Изоҳ: Фақат бир марта қўшимча тест ўтказиш имкони бўлиши мумкин. Асосий тест жараёнида қатнашмаган ўқувчиларнинг қўшимча тест жараёнида қатнашишлари учун бор имкониятларни ишга солиш керак.* |

Қўшимча тест жараёнини ўтказиш учун мўлжалланган тест материаллари Миллий марказ билан келишилган ҳолда таълим муассасасида хавфсиз жойда сақланиши керак.

## 6.3. Таълим муассасаси папкаси ва конвертини тайёрлаш

Шакллардаги тўлдирилмаган в нотўғри маълумотларни тўғрилангандан кейин таълим муассасасининг папкасида сақлаш учун уларнинг нусхалари олинади.

•Тест учун танлаб олинган *ўқувчилар рўйхати*нинг аниқ нусхаларини олинг.

•Тест учун танлаб олинган *ўқувчилар рўйхати*нинг нусхаларини ТМ Папкасига солинг. Тест учун танлаб олинган *ўқувчилар рўйхати*нинг аслини ТМ Конвертига солинг.

•Иштирок этиш шаклининг аслидан аниқ нусха олинг.

•Иштирок этиш шаклининг нусхаларини ТМ Папкасига, Иштирок этиш шаклларининг аслини ТМ Конвертига солинг.

•Тестни ўтказиш Баённомаларидан аниқ нусхалар олинг, аслини ТМ Конвертига, нусхаларини ТМ Папкасига солинг.

•ТМ Папкасини ҳар эҳтимолга қарши сақлаб қўйинг. Тест натижалари олингандан кейин конвертни утилизация қилинг.

### 6.4. Тадқиқот материалларини жўнатишга тайёргарлик кўриш

**Тест материалларини йиғиш бўйича сифат якуний назоратини ўтказиш.** Миллий марказ координаторига тест материалларини жўнатишдан олдин уларнинг сифати бўйича назоратни амалга ошириш зарур. Назорат учун 5.1. бўлимда таърифланган жараёнлардан фойдаланинг.

**Тест жараёнини ўтказишдан олинган маълумотларни юбориш.** Тест жараёни ўтказиб бўлингач, унинг натижаларини юборишда Ўқувчилардан тест олишда дастурдан фойдаланиш бўйича қўлланмада баён этилган амалларни бажариш зарур. Миллий менежерга юборишдан аввал USB-ташувчиларнинг бутлигини таъминлаш зарур.

Тест топшириқларини бажариш ва сўровнома саволларига жавоб бериш бўйича барча маълумотлар ***-Session*. персонал zip-архивларда сақланади, бунда файл номи ўқувчининг идентификаторига, сессия номери ишнинг у ёки бу қисмига мос келади. Барча архивлар F:\xamp\htdocs\Export\ папкада жойлашган (бунда F:\ - PISA-2018 тест жараёни дастурини ўз ичига олган ахборот ташувчи диск номи). Тест жараёни тугагач, бу папкадаги zip-архивларни битта умумий архивга жойлаштириш ва ҳосил қилинган архив номида таълим муассасаси идентификаторини кўрсатиш керак.

Тадқиқот натижаларини ўз ичига олган архив ҳар бир таълим муассасасидан Ҳудудий координаторга юборилади. Ҳудудий координатор барча таълим муассасаларидан олинган ҳамма архивларни Миллий менежерга “PISA-ЙИЛ _ XXX” номли хат кўринишида юборади, бунда XXX ўрнига ҳудуд номи ёзилиши керак.

**Тест материалларини юборишни ташкил этиш.** ТМ да ишлар якунига етгач, материалларни қайтариб бериш шаклини тўлдириш зарур (А. илова).

USB-ташувчилар Иштирок этиш шакллари ва Тестни ўтказиш баённомаси шакллари билан бирга қути ёки конвертга жойланади. Материалларни конвертга 6.1-жадвалда кўрсатилганидек жойлаштиринг.

***6.1- жадвал***

**Тест жараёни материалларини конвертга жойлаштириш тартиби**

| |
|---|
| •Тест учун танлаб олинган ўқувчилар рўйхати (тест ўтказувчининг талқини)<br>•Материалларни қайтариб бериш шакли |
| •Иштирок этиш шакллари (биттадан ортиқ нусхадан фойдаланилган бўлса, биргаликда тикилади)<br>•Тест ўтказиш баённома(лари) (биттадан ортиқ нусхадан фойдаланилган бўлса, биргаликда тикилади)<br>•USB-ташувчилар |

## 6.5. Тадқиқотнинг барча материалларини ҳудудий координатор ва Миллий менежерга юбориш

Маълумотларни қайта ишлашни бошлаш учун тадқиқотнинг барча материалларини Ҳудудий координаторга имкон қадар тезроқ – ТМ да тест жараёни тугаши биланоқ 24 соат ичида етказилиши жуда муҳимдир. Ҳудудий координатор барча таълим муассасаларининг материалларини Миллий менежерга жўнатади.

**PISA тадқиқотини самарали ўтказишда Сизнинг ёрдамингиз жуда муҳимдир.**

**Миллий ва халқаро марказлар Сизнинг сарфлаган вақтингиз ва саъйи ҳаракатларингиз учун миннатдорчилик билдиради.**

**Раҳмат!**

***Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш Миллий маркази***

# ИЛОВАЛАР

**А. ИЛОВА**

## ШАКЛЛАР

### Таълим муассасаси ўқувчилари рўйхати (PISA-MS)

| | |
|---|---|
| ТМ номери ёки номи | |
| Манзил: | |
| Телефон/факс: | |
| Электрон манзил: | |
| Рўйхатдаги жами ўқувчилар: | |
| PISA талабларига мос келадиган ва ташхисдан муваффақиятли ўтган компьютерлар сони: | |
| Тест ўтказилаган муассаса модели*: | |

| № | (A) Ўқувчининг фамилияси, исми | (B) Синф | (C) Жинси (а-1; э-2) | (D) Туғилган йили ва ойи | (E) Таълим дастури | (F) Махсус таълим коди |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | | | | | | |
| 2. | | | | | | |
| 3. | | | | | | |
| 4. | | | | | | |
| 5. | | | | | | |
| 6. | | | | | | |
| 7. | | | | | | |
| 8. | | | | | | |
| 9. | | | | | | |
| 10. | | | | | | |
| 11. | | | | | | |
| 12. | | | | | | |
| 13. | | | | | | |

* **1-Модель** – тест жараёни PISA тадқиқотида иштирок этиш учун танланган ТМ да ўтказилади

* **2-Модель** –ТМ датест жараёни бошқа ТМларидан олиб келинган ноутбукларда ўтказилади

* **3-Модель** – тест жараёни бошқа жой (масалан, бошқа ТМнинг компьютер хонасида ёки методик марказ) да ўтказилади

* **Бошқа модель –** илтимос, аниқлик киритинг (масалан, 1- ва 2-моделларнинг бирикмаси)

Рўйхатни тайёрлади: ______________________________________

(Ф.И.Ш.) (имзо) (тузиш вақти)

**“Компьютерлар текшируви натижалари” шакли**

| **КОМПЬЮТЕРЛАР ТЕКШИРУВИ НАТИЖАЛАРИ** | |
|---|---|
| **ТИЗИМ ТЕКШИРУВИ** | |
| **Процессор** | МОС КЕЛАДИ МОС ЭМАС |
| **Операцион тизим** | МОС КЕЛАДИ МОС ЭМАС |
| **Компьютер хотираси** | МОС КЕЛАДИ КРИТИК КЎРСАТКИЧ МОС ЭМАС |
| **Экран** (Экраннинг имконияти) | МОС КЕЛАДИ МОС ЭМАС |
| **Skype дастурининг иши** | МОС КЕЛАДИ МОС ЭМАС |
| **USBни ўқиш тезлиги** | МОС КЕЛАДИ МОС ЭМАС |
| **ВИРУСЛАР СКАНЕРИ** | ВИРУС ТОПИЛМАДИ ВИРУС ТОПИЛДИ |
| **USB –ташувчи** | ВИРУС ТОПИЛМАДИ<br>ВИРУС ТОПИЛДИ, У ЙЎҚ ҚИЛИНДИ<br>ВИРУС ТОПИЛДИ, АММО ЙЎҚ ҚИЛИНМАДИ |
| **Изоҳлар** | МОС КЕЛАДИ МОС ЭМАС |
| **КОМПЬЮТЕР ТЕСТ ЎТКАЗИШГА ЯРОҚЛИМИ?*** | ҲА ЙЎҚ |

**PISA- тест жараёнида иштирок этиш учун танлаб олинган ўқувчилар рўйхати (асосий тадқиқот)**

12-устундаги кодларнинг изоҳи:
3- махсус ёки коррекцион таълимга тегишли
4- бошқа таълим муассасасида бўлганми
5-ушбу таълим муассасасига бошқа қатнамаяпти, қаердалиги ҳам номаълум
n-PISA тадқиқотларига иштирок этиш мезонига мувофиқ эмас

11-устундаги кодларнинг изоҳи:
1-Функционал бузилиш
2-Ривожланишдан тўхташ
3-Ўзбек тилини билиш тест жараёнида иштирок этиш имкониятини бермайди

**Таълим муассасаси №/номи:_________________** **Тест жараёнини ўтказувчининг ФИО:_________________________**

| (1) | (2) | (3) | (4) | (5) | (6) | (7) | (8) | (9а) | (9б) | (10) | (11) | (12) | (13) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Ҳудуд** | **Туман шаҳар ID** | **Таълим муассасаси ID** | **Иштирок этувчи ID** | **Танлан-ган рақам** | **Иштирок этувчи исми, шарифи** | **Синф** | **Жинс (а-1 э-2)** | **Туғилган сана (оо-йййй)** | | **Таълим дастури** | **Махсус таълим коди** | **Рўйхат-дан чиқариш коди** | **Изоҳ** |
| | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | |

**PISA тест жараёнида иштирок этувчилар тўғрисида маълумотлар шакли (асосий тадқиқот)**

9-,10-устунлардаги кодларнинг изоҳи:
0- иштирок этмаган
1- иштирок этган
2- қисман иштирок этган

**№ Таълим муассасаси номи:________________ Тест жараёни коди:_____________**
**Сана:________________**
**Тест жараёнини ўтказувчининг ФИО:_______________________________**

| (1) | Таълим муассасаси маълумотлари | | | Иштирокчилар тўғрисида маълумот | | | (8) | Тест жараёни иштирокчилари | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | (2) | (3) | (4) | (5) | (6) | (7) | | (9) | (10) | (11) | (12) |
| SUB ID | Ҳудуд | Туман шаҳар ID | Таълим муассасаси ID | Иштирок этувчи ID | Иштирок этувчи исми, шарифи | Синф | Шакл | Тест ўтказиш жараёни | Сўровнома ўтказиш жараёни | Изоҳ* | Парол |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |

*Агар иштирокчи қисман иштирок этмаган бўлса, унга ушбу устунда унинг иштирок этмаган вақти кўрсатилади.

# Иштирокчилар коэффициентини ҳисоблаш жадвали

<table>
<tr><td colspan="3">Таълим муассасасининг тўлиқ идентификатори(ID) рақами:___________________________<br>№ Таълим муассасаси номи:_____________________________________________________<br>Тест жараёни коди:____________________________________________________________</td></tr>
<tr><td>1-босқич</td><td>Тест жараёни иштирокчилари шаклининг 9-устун “Тест жараёни”да келтирилган маълумотлардан фойдаланиб, тест жараёнида иштирок этмаган иштирокчилар сонини аниқланг (“қатнашмаган” 0 коди).<br><br>Бу сонни 1-босқич натижалари жадвалига киритинг.</td><td><table><tr><td rowspan="2">1-босқич натижалари</td><td>Қатнашмайдиган иштирокчилар сони</td></tr><tr><td></td></tr></table></td></tr>
<tr><td>2-босқич</td><td>Тест жараёни иштирокчилари шаклининг 12- устун “Рўйхатдан чиқариш коди” маълумотлари асосида рўйхатдан чиқариш кодига (2, 3, 4, 5 ва n) эга бўлган иштирокчилар сонини аниқланг (2, 3, 4 ,5 ва n).<br><br>Бу сонни 2-босқич натижалари жадвалига киритинг.</td><td><table><tr><td rowspan="2">2-босқич натижалари</td><td>Рўйхатдан чиқарилган иштирокчилар сони</td></tr><tr><td></td></tr></table></td></tr>
<tr><td>3-босқич</td><td>Тест жараёнига танлаб олинган, иштирокчилар рўйхати шаклида келтирилган жами иштирокчилар сонини аниқланг.<br><br>Бу сонни 3-босқич натижалари жадвалига киритинг.</td><td><table><tr><td rowspan="2">3-босқич натижалари</td><td>Тест жараёнига танлаб олинган, иштирокчилар рўйхати шаклида келтирилган жами иштирокчилар сони</td></tr><tr><td></td></tr></table></td></tr>
<tr><td>4-босқич</td><td>Ҳисобланг:<br>1-босқич натижалари – 2-босқич натижалари<br>Бу босқичда қўшимча тест жараёнида иштирок этиши мумкин бўлган иштирокчилар сони аниқланади.</td><td><table><tr><td rowspan="2">4-босқич натижалари</td><td>1-босқич натижалари –2-босқич натижалари</td></tr><tr><td></td></tr></table></td></tr>
<tr><td rowspan="2">5-босқич</td><td rowspan="2">4-босқич натижаси 1-дан каттами?</td><td>Йўқ Қўшимча тест жараёнини ўтказиш шарт эмас. Иштирок этмаган иштирокчилар сони жуда кам (0 ёки 1)</td></tr>
<tr><td>Ҳа 6-босқичга ўтинг</td></tr>
<tr><td>6-босқич</td><td>Ҳисобланг:<br>(1-босқич натижалари/3-босқич натижалари)*100</td><td><table><tr><td rowspan="2">6-босқич натижалари</td><td>(1-босқич натижалари/3-босқич натижалари)*100</td></tr><tr><td></td></tr></table></td></tr>
<tr><td rowspan="2">7-босқич</td><td rowspan="2">6-босқич натижаси 10%дан катта ёки тенгми?</td><td>Йўқ Қўшимча тест жараёнини ўтказиш шарт эмас.</td></tr>
<tr><td>Ҳа Қўшимча тест жараёнини ўтказиш шарт.</td></tr>
</table>

**“Иштирокчиларни ҳисобга олиш” шакли**
**(PISA –асосий тадқиқот )**

| | |
|---|---|
| **Иштирок этувчининг Исми, шарифи:** | |
| **№/ таълим муассасаси номи:** | |
| **Иштирокчининг идентификация рақами (ID):** | |
| **Пароль:** | |

**“Таълим муассасасини ҳисобга олиш” шакли**
**(PISA – асосий тадқиқот )**
**Маъмурият учун сўровнома саволлари онлайн режимда тўлдирилади. Сўровнома тизимига кириш тегишли ҳаволани босиш орқали амалга оширилади ва дастлаб қўйидаги маълумотлар киритилади:**
**http://pisa.ets.org/SchoolQuestionnaire**

| | |
|---|---|
| **№/ таълим муассасаси номи:** | |
| **Логин:** | |
| **Пароль:** | |

## PISA MS ҳужжатларини қабул қилиш шакли

Тест жараёни материаллари қабул қилиниб, назоратдан ўтказилгандан сўнг қандайдир материаллар етишмаслини аниқланса, илтимос, қуйидаги шаклни тўлдириб, **Миллий менежерга** тақдим қилинг.

**Тўлдирилган вақти:___________________**

**Кимга: Миллий менежерга** **e-mail:**

**Кимдан:___________________________**

**Телефон рақам:_________________________** **факс рақам: ___________________**

**e-mail:____________________________**

| | |
|---|---|
| **Ҳудуд (код тест жараёнида иштирок этиш учун танлаб олинган ўқувчилар рўйхатида қайд этилган):** | _____________________________ |
| **Туман, шаҳар IDси (код тест жараёнида иштирок этиш учун танлаб олинган ўқувчилар рўйхатида қайд этилган):** | _____________________________ |
| **ТМ IDси (тест жараёнида иштирок этиш учун танлаб олинган Ўқувчилар рўйхатида қайд этилган):** | _____________________________ |
| **ТМ №/номи (тест жараёнида иштирок этиш учун танлаб олинган Ўқувчилар рўйхатида келтирилган)** | _____________________________ |
| **Ҳужжатларни қабул қилиш санаси:** | _____________________________ |

**Барча хужжатлар олинганми?** Ҳа (   ) Йўқ (   )

**Агар Сиз “Йўқ” деб жавоб берган бўлсангиз, бундай ҳолда етишмаётган ёки яроқсиз бўлган материалларни қуйида кўрсатинг.**

______________________________________________

______________________________________________

______________________________________________

______________________________________________

## PISA MS ҳужжатларини қайтариш шакли

| | |
|---|---|
| Ҳудуд (код тест жараёнида иштирок этиш учун танлаб олинган Ўқувчилар рўйхати шаклининг1-устунида келтирилган): | ______________________ |
| Туман, шаҳар IDси (код тест жараёнида иштирок этиш учун танлаб олинган Ўқувчилар рўйхати шаклининг2-устунида келтирилган): | ______________________ |
| Ҳужжат юборилган сана: ______________________ | |
| ТМ ID си: ______________________ | ТМ №/номи ____________ |
| Материалларни юборувчи: ____________________________________________ | Юборувчининг телефон рақами: ______________________________ |
| | Юборувчининг e-mail: ______________________________ |
| **ЮБОРИЛАЁТГАН ҲУЖЖАТЛАР** | |
| ☐ Тест жараёни учун танлаб олинган ўқувчилар рўйхати (асл нусха) ☐ Йиғма жилд сони | Ҳа ( ) Йўқ ( ) ______________________ |

**1-ТЕСТ ЖАРАЁНИ ЙИҒМА ЖИЛД ҲУЖЖАТЛАРИ - *Компьютерда тест ўтказиш***

(Агар 2 та йиғма жилддан кўп ишлатилса, бунда аналог маълумотларни қайд этиш учун қўшимча варақ қўшинг.)

Иштирок этиш шакли Ҳа ( ) Йўқ ( ) Ҳа ( ) Йўқ ( )
Тест ўтказиш баённомаси Ҳа ( ) Йўқ ( ) Ҳа ( ) Йўқ ( )
**.......дан 1- босқич .....дан 2-босқич**
Флешка (USB)Сони_____ Сони______

2-Тест жараёни йиғмажилд ҳужжатлари
Иштирок этиш шакли Ҳа ( ) Йўқ ( ) Ҳа ( ) Йўқ ( )
Тест ўтказиш баённомаси Ҳа ( ) Йўқ ( ) Ҳа ( ) Йўқ ( )
**.......дан 1- босқич .....дан 2-босқич**
Флешка (USB)Сони_____ Сони______

3-Тест жараёни йиғмажилд ҳужжатлари
Иштирок этиш шакли Ҳа ( ) Йўқ ( ) Ҳа ( ) Йўқ ( )
Тест ўтказиш баённомаси Ҳа ( ) Йўқ ( ) Ҳа ( ) Йўқ ( )
**.......дан 1- босқич .....дан 2-босқич**
Флешка (USB)Сони_____ Сони______

**Тест жараёни ҳужжатларини қўшимча жўнатиш режалаштирилганми?** Ҳа ( ) Йўқ ( )

(Масалан, қўшимча тест жараёни материаллари ва бошқалар). Агар Сиз "Ҳа" жавобини берсангиз, жўнатиш режалаштирилган жиҳозлар ва санасини ёзинг:

**Йиғмажилдларни узатишда Тест жараёнини ўтказиш бўйича қўлланмага амал қилинг.**
**PISA MS тест жараёнини ўтказиш муддати**

Кимга: ____________________ Факс: __________________
**(худудий координатор Ф.И.Ш)** **(худудий координатор)**

№ телефон: __________________ e-mail: ______________
**(худудий координатор)**
Кимдан: ____________________ Факс: __________________
**(худудий координатор Ф.И.Ш)**

№ телефон: __________________ e-mail: ______________
**(худудий координатор)**
Таълим муассасаси номи: ________________ Таълим муассасаси жойлашган жойи _________
Тўлдирилган сана: ________________ ______________________

**Таълим муассасангиздаги тест ўтказиш жараёнида зарур бўладиган тавсиялар.**

- Ўзбекистонда PISA дастури асосида тест ва анкета сўровномаларини 2021 йилнинг .... дан .... гача ўтказилиши режалаштирилган.
- Шуни билиш керакки, тест жараёнини ўтказиш учун 3 соат 30 дақиқадан 3 соат 50 дақиқиагача вақт кетади, аммо бу жараёнда бино ҳудуди 5соат 20 дақиқадан 5 соат 40 дақиқагача бўш бўлиши лозим.
- Тадқиқотларни ўтказиш режасини тузишда мактаб ҳудудида тест жараёни иштирокчилари билан боғлиқ хеч қандай тадбир ўтказилмаслигини инобатга олиш лозим ( турли имтиҳонлар, спорт мусобақалари ва экскурсиялар).
- Тест жараёнига танлаб олинган иштирокчилар ажратилган бинога тўлиқ жойлашишларига ишонч ҳосил қилиш лозим.

***Сизнинг таълим муассасангизда PISA тадқиқотларини ўтказиш мумкин бўлган учта санани кўрсатинг***

| Вариантлар | Ўтказиш санаси |
|---|---|
| 1 | |
| 2 | |
| 3 | |

Таълим муассасангизда аниқ сабабларга кўра PISA тадқиқотлари ўтказилиши мумкин бўлмаган санани кўрсатинг:

_______________________________________________

_______________________________________________

Илтимос, тўлдирилган ушбу шаклни электрон почта ёки факс орқали ҳудудий координаторга тест ўтказиш санасини келишиб олиш учун ....санагача тақдим этинг. Раҳмат!

## МАЪЛУМОТЛАРНИ ОВОЗА ҚИЛМАСЛИК ҲАҚИДА КЕЛИШУВ

Таълим сифатини баҳолаш бўйича ҳалқаро тадқиқотлар(PISA) материалларини олиб, юқорида кўрсатилган ишларга бевосита алоқадор бўлмаган шахслар ўртасида маълумотларни тарқатмаслик, улардан нусха кўчириш ёки нашр этмаслик бўйича розилик ҳужжатни имзолаш билан тасдиқланади. Ушбу материаллар конфиденциалдир. Материалларнинг конфиденциаллиги олинган натижаларнинг ишончлилиги ва сифатини таъминлашнинг асосий шартидир.

Ушбу келишув тестларнинг мазмуни ошкор қилинмаслик шарти билан тадқиқот натижаларини чоп этиш, ахборот бериш ва тарқатишга тўсқинлик қилмайди.

**В. илова**

# МАЪМУРИЯТДАН СЎРОВНОМА ЎТКАЗИШ УЧУН ТАЙЁРГАРЛИК

Ушбу ҳужжат Сизнинг таълим муассасангиз ҳақида статистик маълумотларни олишга қаратилган 9 та саволдан иборат. Ушбу саволлар маъмурият учун анкета сўровномасида акс этади.

Ушбу саволларга жавоблар маъмурият учун анкета сўровномасини тўлдиришда иштирок этувчи таълим муассасаси директори ёки бошқа шахс томонидан олдиндан тўлдирилиши мумкин.

Бу ҳужжат бўйича маълумотлар маъмурият учун анкета сўровномасини тўлдиришда иштирок этувчи таълим муассасаси директори ёки бошқа шахс томонидан онлайн режимда киритилади. Онлайн режимда ишлашда саволлар тартиб рақамини дастур ойнасининг чап пастки қисмидан топиш мумкин.

**SC016 Сизнинг таълим муассасангизда ўқув йилида ялпи бюджетнинг қуйидаги манбаларнинг ҳар биридан молиялаштиришнинг тахминий фоиз улуши қанча миқдорни ташкил этади?**

*(Ҳар бир қаторга тегишли сонни ёзинг. Агар берилган манбадан молиялаштирилмаган бўлса “0” (ноль)ёзинг )*

(Берилган фоиз улушларининг умумий йиғиндиси 100га тенг бўлиши керак)

| | | % |
|---|---|---|
| SC016Q01TA | Давлат бюджетидан (маҳаллий бюджетни инобатга олган ҳолда) | _______________ |
| SCT016Q02TA | Таълим олиш учун ота-оналар тўлови | _______________ |
| SCT016Q03TA | Ҳомийларнинг ҳомийлик, хайрия, мерос ва ота-оналарнинг моддий ёрдамлари | _______________ |
| SCT016Q04TA | Бошқалар | _______________ |
| | *ЖАМИ* | *100 %* |

SC002 Сизнинг таълим муассасангизнинг жами ўқувчилар сони 2021 йил 1 февраль ҳолатига қанча бўлган?
*(Аёл ва эркак жинсига мансуб ўқувчилар сонини ёзинг. Агар бундай ўқувчилар бўлмаса, “0”)*

SC002Q01TA Эркак жинсига мансуб ўқувчилар сони: _________

SC002Q02TA Аёл жинсига мансуб ўқувчилар сони: _________

SC048 Таълим муассасангизда қуйидаги хусусиятларга эга бўлган 9-синф ўқувчиларининг тахминий фоизини кўрсатинг.

(Бир иштирокчи бир неча хил хусусиятларга эга бўлишини инобатга олинг.)
(Тегишли фоиз кўрсаткичини бегилаб қўйинг)

SC048Q01NA Она тилиси ўзбек тили бўлмаган иштирокчилар__________________

SC048Q02NA Ўзига хос психофизик ривожланиш хусусияти эга бўлган ўқувчилар __________________

SC048Q03NA Оиласи ижтимоий-иқтисодий ночор шароитда бўлган ўқувчилар ____________________

**SC004 Қуйидаги саволлар Сизнинг таълим муассасангизда битта компьютерга нечта 9-синф ўқувчиси тўғри келишини билдиради.**

(Хар бир савол жавоби учун сонларни ёзинг. Агар сон “0”га тенг бўлса “ноль” ни ёзинг.)

(Юргични тегишли фоиз кўрсаткичига келтириб қўйинг.)

| | | |
|---|---|---|
| **SC004Q01TA** | Сизнинг таълим муассасангизда жами 9-синф иштирокчилари нечта? | __________________ |
| **SC004Q02TA** | Таълим жараёнида бу ўқувчилар тахминан нечта компьютердан фойдаланишади? | __________________ |
| **SC004Q03TA** | Ушбу копьютерлардан тахминан нечтаси Интернет тармоғига уланган? | __________________ |

| | | |
|---|---|---|
| **SC004Q04TA** | Ушбу компьютерлардан тахминан нечтаси синф компьютери эмас? (масалан, ноутбук, планшет) | __________ |
| **SC004Q05TA** | Таълим муассасангизда тахминан нечта интерактив доска мавжуд? | __________ |
| **SC004Q06TA** | Таълим муассасангизда тахминан нечта проектор мавжуд? | __________ |
| **SC004Q07TA** | Сизнинг таълим муассасангизда ўқитувчилар учун тахминан нечта Интернет тармоғига уланган компьютерлар мавжуд? | __________ |

**SC018 Сизнинг таълим муассасангизда нечта ўқитувчи тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган ставкада ишлайди?**

**Изоҳ: Тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган ставкада ишловчи ўқитувчилар инобатга олинади.** Агар ўқитувчи ўқув йили давомидаги умумий иш вақтининг 90%дан кам бўлмаган қисмини таълим беришга сарфласа, бундай ўқитувчи тўлиқ ставкада ишлайди деб қабул қилинади. Қолган барча ўқитувчилар тўлиқ бўлмаган ставкада ишловчи ўқитувчилар ҳисобланади. Саволларга жавоб бераётганда юқори квалификация малакасига эга бўлган ўқитувчиларни назарда тутинг.

(Ўқитувчиларнинг “тўлиқ ставкада ишловчи” ёки “тўлиқ бўлмаган ставкада” ишловчи шаклида икки устунда рўйхатларини ёзинг.)

Агар йўқ бўлса “0” ёзинг.

| № | | *Тўлиқ ставкада ишловчилар* | *Тўлиқ бўлмаган ставкада ишловчилар* |
|---|---|---|---|
| **SC018Q01TA** | Ўқитувчиларнинг умумий сони | __________01 | __________02 |
| **SC018Q02TA** | Диплом бўйича таълим бериш хуқуқига эга бўлган ўқитувчилар сони | __________01 | __________02 |
| **SC018Q05TA** | Олий маълумотли (бакалавр) ўқитувчилар сони | __________01 | __________02 |
| **SC018Q06TA** | Олий маълумотли (магистр) ўқитувчилар сони | __________01 | __________02 |
| **SC018Q07TA** | Илмий даражага эга бўлган ўқитувчилар (фан номзоди, фан доктори) сони | __________01 | __________02 |

| SC003 SC003Q01TA | **Сизнинг таълим муассасангиздаги 9-синфнинг ҳар бирида ўқувчилар сони нечта?** |
|---|---|

| *(Битта жавобни танланг)* | |
|---|---|
| 15 нафар ёки ундан камроқ ўқувчи | ☐ 1 |
| 16-20 ўқувчи | ☐ 2 |
| 21-25 ўқувчи | ☐ 3 |
| 26-30 ўқувчи | ☐ 4 |
| 31-35 ўқувчи | ☐ 5 |
| 36-40 ўқувчи | ☐ 6 |
| 41-45 ўқувчи | ☐ 7 |
| 46-50 ўқувчи | ☐ 8 |
| 50 нафардан кўпроқ ўқувчи | ☐ 9 |

**SC164 Ўтган ўқув йилида таълим муассасаси битирувчи синфларидан аттестат олмасдан таълим муассасасини тарк этган ўқувчиларнинг фоиз улуши қанча?**

(Аттестат битирувчига келажакда таълим муассасини битиргандан сўнг таълимни университет, институтда давом эттиришга ёки касб-ҳунар таълимига ва ишга жойлашиш имконини беради.)

(Юргични тегишли фоиз кўрсаткичига келтириб қўйинг.)

Агар таълим муассасини аттестатсиз тарк этмаганлар бўлса “0”ни танланг.

**SC164Q01NA** ________________________% 01

## ЭСЛАТМА!

Мазкур қўлланмани ишлаб чиқишда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг расмий веб сайти www.oecd.org/pisa ҳамда "PISA-2018 тадқиқотларини ўтказиш бўйича қўлланма" ва бошқа очиқ манбалардан кенг фойдаланилган бўлиб, таълим тизими бошқаруви иштирокчиларида ушбу тадқиқотлар ҳақида дастлабки умумий тасаввурларни ҳосил қилишга кўмаклашиш учун мўлжалланган.

Ўзбекистондаги PISA-2021 халқаро тадқиқотлари тўлиқ ушбу қўлланма асосида ўтказилмайди. Чунки, 2021 йилда амалга оширилиши режалаштирилган PISA тадқиқотларидаги техник талаблар ушбу қўлланмадаги талаблардан фарқ қилиши мумкин. Белгиланган лойиҳа бўйича расмий халқаро пудратчиларининг расмий нашрлари эълон қилингандан сўнг аниқ талаблар ва кўрсатмалар тақдим этиб борилади.

Ушбу қўлланма PISA тадқиқотларини амалга ошириш учун Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг расмий нашри ҳисобланмайди.

**Сизга ҳамкорлигингиз ва сўровномада иштирокингиз учун миннатдорчилик билдирамиз!**